

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**



**“Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат”  
кафедраси**

**“Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ” йўналиши тингловчиси**

**АБДУЛЛАЕВ ҲАСАН АБДУҒАНИ ЎҒЛИНИНГ**

**ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО  
ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМЛАР: ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

**мавзусидаги**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар: А. Ҳидоятуллаев (PhD)**

**Илмий маслаҳатчи: Х. Каримов (PhD)**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3-9</b>
<b>I БОБ. ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА АҲАМИЯТИ.....</b>	<b>10-25</b>
1.1. Қийноққа қарши превентив механизмнинг вужудга келиш тарихи ва ҳуқуқий асослари.....	11-18
1.2. Қийноққа қарши превентив механизмнинг умумий таснифи....	19-25
<b>II БОБ. ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ ХАЛҚАРО ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМЛАР ВА ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМНИ АМАЛГА ОШИРИШ МОДЕЛЛАРИ.....</b>	<b>26-63</b>
2.1. Қийноққа қарши превентив механизмларни амалга оширишда Омбудсманнинг ўрни.....	26-41
2.2. Қийноққа қарши превентив механизмни амалга ошириш моделлари.....	42-51
2.3. Қийноққа қарши халқаро превентив механизмлар.....	52-70
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>71-75</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>76-79</b>

## КИРИШ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш шунингдек, уларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини амалга оширилишини борасида миллий қонунчилигимизда бир қатор ислоҳатлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир. Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутди”<sup>1</sup> – дея таъкидлаб ўтдилар.

Шу билан бирга инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармонида давлатимизда “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етти та устувор йўналиш белгиланди.

Ушбу устувор йўналишлардан бири ҳисобланган “мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” деб номланган мақсадида қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш ҳамда ушбу йўналишда махсус қонун қабул қилиш вазифаси белгилаб қуйилган. Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда қийноқларни олдини олиш борасида амалга оширилаётган ушбу ишлар нафақат фуқароларни давлатга нисбатан ишончини оширади, балки халқаро майдонда мамлакатимизнинг мавқеини янада мустаҳкамлайди дейишимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек, ушбу мавзу бўйича комплекс равишда ҳали тадқиқот иши олиб борилмаганлиги сабабли диссертация мавзусини долзарблигини қуйидагилар билан кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

---

<sup>1</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2021/12/31/2022-year/>

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5163-сонли қарорига ҳамда 28.01.2022 йилдаги 60-сонли фармони билан тасдиқланган фармонида БМТнинг «Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенцияси Факультатив протоколи»га (Нью-Йорк, 2002 йил 18 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласи бўйича тақлифлар киритилиши лозимлиги кўрсатилган. Шу сабабли ҳам ушбу диссертацияда ушбу қонунга давлатимиз томонидан ротификация қилиниши масаласи илмий ёритилиб берилди.

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун МЖТКнинг 197<sup>4</sup>-моддасида мансабдор шахсларга жавобгарлик масаласи белгиланган. Бироқ, ушбу жавобгарликнинг экспертлар гуруҳи ҳамда жамоатчилик гуруҳи фаолиятига тўсқинлик қилиш учун ҳам белгиланган масаласи илмий жиҳатдан талқин этилмаган.

учинчидан, қийноққа қарши қўмига берилган ҳисобот бўйича 2020 йилда қўмига томонидан превентив механизмларни амалга ошириш борасида вакилнинг ваколат муддатини тугатилиши жамоатчилик гуруҳлари ҳамда экспертлар гуруҳининг мустақиллигига таъсир ўтказиши мумкинлигининг мавжудлиги тўғрисидаги танқидий фикрлари илмий жиҳатдан ўрганилмаган.

тўртинчидан, Қонунда вакил томонидан эксперт гуруҳи ташкил этилиши мумкинлиги, экспертлар гуруҳини ташкил этиш тартиби эса вакил томонидан белгиланган низом асосида амалга оширилиши белгиланган. Бироқ қонунчиликда экспертлар гуруҳини ташкил этиш, уларни ваколати, экспертлар гуруҳини ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш ҳолатлари кўрсатиб ўтилмаган.

Юқорида келтириб ўтилган муаммолар айнан мамлакатимизда қийноққа қарши превентив механизмни амалга оширилишини тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни илмий тадқиқ этиш долзарблигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Тадқиқот объекти – бу мамлакатимизда қийноққа қарши превентив механизмни амалга оширилишини тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предметини** қийноққа қарши превентив механизмни амалга оширилишини тартибга солувчи нормалар, бундай нормаларга оид илмий-назарий қарашлар ҳамда тадқиқотга доир амалиёт материаллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади қийноққа қарши превентив механизм тушунчаси, аҳамияти, юридик тавсифини очиқ бериш ва бу тадқиқот давомида МДХ ва айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш орқали миллий қонунчиликни хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан таққослаш, тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда мамлакатимизда қийноққа қарши превентив механизмни амалга оширилиши билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этиш, ўрганилган манба ва тадқиқот материаллари асосида ушбу муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилар билан ифодаланади:

– қийноққа қарши превентив механизмнинг умумий таснифини ҳамда аҳамиятини ўрганиш;

– қийноққа қарши превентив механизм амалга оширилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этиш;

– қийноққа қарши превентив механизмлар бўйича халқаро майдонда кенг тарқалган моделларини ўрганиш;

– хорижий давлатларда қийноққа қарши превентив механизмларни амалга оширилиши тартибини ёритиш ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси орқали миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот ишининг илмий янгилиги.** Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармонида давлатимизда «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етти та устувор йўналиш белгиланлиги, ушбу устувор йўналишлардан бири ҳисобланган “мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” мақсадларидан бирининг асосий йўналишларидан бири сифатида қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда махсус қонун қабул қилиш мақсади қўйилганлиги қийноққа қарши превентив механизм бўйича биринчи марта магистрлик диссертацияси даражасида тадқиқ этилаётганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот мавзунинг ўрганилганлик даражаси:** тадқиқот ишини ёзишда давомида миллий олимлардан А.Саидов<sup>2</sup> томонидан халқаро ҳуқуқ доирасида қийноққа қарши конвенциялар ва уларни давлатимиздаги аҳамияти тўғрисида қатор дарсликлар яратилган бўлса-да, айнан Ўзбекистон Республикасида қийноққа қарши миллий превентив механизмларнинг ёритилиши, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи нормалар илмий жиҳатдан таҳлил этилмаган.

Бундан ташқари, Д.Бедилова<sup>3</sup> томонидан ушбу соҳада магистрлик диссертацияси доирасида илмий ўрганиш амалга оширилган бўлсада, муаллиф ўз ишида асосан қийноқларга қарши Конвенцияси нормаларининг Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига татбиқ

---

<sup>2</sup> Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ . Konsauditinform-Nashr, Т:–2006.–318-бет.

<sup>3</sup> Бедилова Д. “БМТнинг Қийноқларга қарши Конвенциясининг Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиниши ва амалга оширилиши”, диссертация, ТДЮУ, Тошкент-2016, 87-бет

килиниши масалаларини ёритиб ўтган бўлиб, қийноққа қарши миллий превентив механизмларнинг Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятини, қийноқларга қарши Конвенциясиларда Халқаро превентив механизмларнинг аҳамияти кўрсатиб ўтилмаган.

Шу билан бирга, Ф.Эшматова<sup>4</sup> томонидан Омбудсман томонидан қийноққа қарши фаолияти талқин этиб ўтилган бўлсада, илмий ишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган долзарблик масалалари илмий талқин этилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, мамлакатимизда ҳуқуқшунос олим Х.Каримов томонидан қийноқларни олдини олиш, ушбу жиноятни квалификациясига, қийноққа қарши курашишга оид халқаро нормаларни имплементациясига оид салмоқли илмий ўрганишлар амалга оширилган<sup>5</sup>.

Шунингдек, илмий иш доирасида чет эл ҳуқуқшунос олимлари томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар ўрганилди.

Хусусан, С.Сабаева<sup>6</sup> ўз илмий ишида Россия Федерацияси учун превентив механизмларни яратилишида эътибор берилиши лозим бўлган ҳолатлар талқин этилиб, ўз илмий ишида халқаро превентив механизмларни ўрни ва превентив механизмларнинг моделлари тўла қонли талқин этилмаган. Бундан тақшари Т.Н.Москалькова<sup>7</sup> ўз илмий ишида инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий институтларнинг аҳамиятини талқин этилган бўлиб. Ушбу ишда превентив механизмларнинг қийноққа қарши фаолияти қисман талқин этилган.

---

4 Ф.Эшматова, Ўзбекистон Республикасининг петициялар тизимини такомиллаштирилиши: қонунчилик ва амалиёт, Тошкент 2021 йил, 205 бет

<sup>5</sup> Каримов Х.А., Қийноқларга қарши курашишга оид халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик ҳамда жиноий жавобгарлик масалалари; ўқув қўлланма / Т. "Effect-D" 2022.-92 б.

Каримов Х.А., Қийноққа солишга қарши кураш// Ҳуқуқ ва бурч журнали, 2021 й.,-№5.

Каримов Х.А., Қийноққа қарши курашишга оид халқаро нормаларни имплементация қилиш масалалари, Академия ахборотномаси, 2020 йил-№4.

Каримов Х.А., Миллий қонунчиликда қийноққа солганлик учун жавобгарлик., //ТДЮИ Ахборотномаси, Илмий-назарий нашр, 2010 йил.

<sup>6</sup> Сабаева С. В., Гуляев Д. Е., Поиск оптимальной модели национального превентивного механизма для Российской Федерации, Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА), 4/2021 год, стр 204.

<sup>7</sup> Москалькова Т. Н. Институт уполномоченных по правам человека в государственном механизме России // Административное право и процесс. – 2018. – № 12. – С. 52–59.

Шу билан бирга, рус олими В.В.Чуксина<sup>8</sup> томонидан ушбу соҳада илмий иш қилинган бўлиб, унда асосан федератив давлатларда превентив механизмларни яратилиши бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилиб, унитар давлатларда фаолият бўйича илмий иш қилинмаган.

Шунингдек, Малком Эванс<sup>9</sup> томонидан превентив механизмларларни қийноққа қарши фаолияти батафсил талқин этилган бўлиб, олим давлатларда превентив механизмлар яратилишида давлатларнинг ривожланиши каби бир қанча жиҳатлар инобатга олиниши лозимлиги, превентив механизмларнинг самарадорлигини ошириш мақсадада уларни амалга оширувчи ташкилотларда жинойт ишини тергов қилиш функцияси мавжуд бўлмаслигига алоҳида эътибор берилиши лозимлигига тўхталиб ўтган.

Бундан ташқари, АПТ (Assosation for the Prevention of Torture) юридик маслаҳатчиси Мет Поллард<sup>10</sup> томонидан ушбу соҳада илмий ишлар олиб борилиб, уларда асосан халақаро превантив механизмларни ўрни, Қийноққа қарши Кичик қўмитанинг фаолити қисман таҳлил этилган бўлсада, миллий превентив механизмларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий ўрганиш қилинган.

Булардан ташқари, илмий иш ёзилишида давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда ҳуқуқ соҳалари ( жинойт процесси, фуқаролик процесси ва маъмурий ҳуқуқ) олимлари: Х.Т.Одилқориев, Н.Исмоилов<sup>11</sup>, М.Ҳ.Рустамбоев<sup>12</sup>, Э.Н.Никифорова, А.Н.Чашин<sup>13</sup>, Б.Н.Габричидзе<sup>14</sup>, Б.П.Елисеев, А.Г.Чернябскийларнинг илмий – назарий қарашлари ўрганиб чиқилди.

---

<sup>8</sup> Chuksina V.V. Vnesudebnaya zashchita prav cheloveka: post-ombudsmen instituty // Konstitutsionnoe pravo. 2011. <sup>1</sup> 6. S. 33–35.

<sup>9</sup> Preventing torture: the role of national preventive mechanisms – a Practical guide Office of the United Nations High Commissioner for Human Rights Palais des Nations CH 1211 Geneva – Switzerland.

<sup>10</sup> Establishment and Designation of National Preventive Mechanisms Published by the Association for the Prevention of Torture, October 2006, Geneva 2 Switzerland

<sup>11</sup> Исмоилов Н. Правовые проблемы залога как способа обеспечения исполнения обязательств. Автореф. ...канд. юр.наук. -Ташкент: 1999. — С. 50.

<sup>12</sup>Рустамбоев М.Ҳ., Никифорова Э.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Олий ўқув юртлари учун дарслик.-Тошкент: ЗАР ҚАЛАМ, 2005.- Б.22.

<sup>13</sup> Чашин А.Н. Теория государства и права.-М.Издательство Дело и Сервис, 2008.-С.168-169.

<sup>14</sup> Габричидзе Б.Н., Елисеев Б.П., Чернябский А.Г. и др. Правоохранительные органы. Российской Федерации: Учебное-справочное пособие.-М.: Дело и Сервис, 2002.-С.7.



**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Мазкур тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ушбу илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ушбу мавзуга оид бўлган илмий юридик билимлар доирасини кўпайишига ва фан назариясининг қонунчиликка киритилган ўзгаришлар асосида янгиланишига, бойишига ҳисса қўшади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялардан жиноят ҳуқуқи фанини ўқитишда самарали натижа бериши ва ушбу соҳа бўйича илмий изланишлар олиб боровчи тадқиқотчилар учун манба сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот ишининг тавсифи.** Магистрлик иши кириш, иккита боб, 5 та параграф, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 74 бетни ташкил этади.

## **I БОБ. ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА АҲАМИЯТИ**

1.1. Қийноққа қарши превентив механизмнинг вужудга келиш тарихи ва ҳуқуқий асослари

Инсоният тарихидан буён шахслар қийноқлар ва бошқа шавқатсиз муносабатларнинг қурбони бўлиб келган. Бунга асосий сабаб сифатида одамларнинг муайян қурқув остида сақлаш, уларни бирон сиёсий тузум остида сақлаб туриш ёки бойлик ортириш мақсади кўзланган. Ваҳоланки, Донеллий ўз асарида қийноқлар бутун инсоният тарихидан буён айниқса урушдаги ғалабадан кейин қўлланилганлигини кўрсатиб ўтган<sup>15</sup>.

Бироқ ҳозирги кунга қадар ҳам қикнойларни олдини олиш бўйича бир неча халқаро шартномалар давлатлар томонидан қабул қилиб келинишига қарамасдан статистик маълумотларга кўра фактик жиҳатдан қиноқларни бутунлай йўқ бўлиб кетгани йўқ.

Ваҳоланки, қийноққа қарши қанчалик кўп усуллар яратилиши билан шунчалик кўп қийноқларни содир этилиши ҳолати мураккаблашиб бормоқда.

Хусусан, БМТнинг қиноқлар бўйича махсус маърузачиси Новак таъкидлаганидек, дунё бўйлаб жами давлатларнинг 90 фоизидан ортиғида қиноқлар мавжудлиги, шундан 50 фоизидан ортиғида кенга тарқалган амалиёт эканлиги кўрсатилган<sup>16</sup>.

Шу сабабли ҳам қийноққа солинмаслик инсонинг яшаш ҳуқуқи каби табиий ҳуқуқи эканлигини ҳисобга олган ҳолда дунё бўйлаб қийноқларни олдини олиш бўйича тарихдан кенг кўламли ишлар олиб борилган.

Хусусан, 1872 йилда Лондонда ўтказилган Конгрессда Нью Йорк шаҳри “Қамоқхоналар жамияти” барча иштирокчи давлатлардан уларда мавжуд қамоқхоналар фаолияти борасида фикр алмашиш ғоясини илгари сурган. Гарчи ушбу ҳолат тўлақонли қийноқни олдини олиш борасидаги

---

<sup>15</sup> Donnelly and Diehl, *The Big Book of Pain: Torture & Punishment Through History*, 2nd edn (2011) at 4–5; and Luban, ‘Liberalism, Torture and the Ticking Bomb’ in Greenberg, *The Torture Debate in America* (2006) 35 at 43.

<sup>16</sup> Nowak (2012), *supra* n 17 at 307 (emphasis in original)

фаолият бўлмасда унда бошқа қамоқхоналардаги ҳолатлар билан таққослаш имкониятини берган.

Шунингдек, дастлабки қийноқни олдини олиш борасидаги ҳаракат сифатида 1878 йил Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган воқеълик катта аҳамият касб этади. Хусусан, унда Халқаро пенитенциар комиссияни тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилди<sup>17</sup>. Бу комиссиянинг таъсисчилари келажакда бу комиссия ҳукуматлараро ташкилотга айланиши, жазони ижро этиш муассасалари тизими устидан назоратчи механизм бўлиши, халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва ҳар йили қамоқхона ва турмалардаги аҳвол тўғрисида ҳисобот топшириш бўйича йиғилишлар ташкил этиш каби мақсадларни кўзлаган эди. Кейинчалик бу комиссия тузилгани билан, у фақатгина ноҳукумат ташкилот мақомида қолди.

Бизнинг фикримизча бунга асосий сабаб сифатида инсоният жамиятининг қиноққа қарши, шунингдек, бошқа ноинсоний муносабатларни вужудга келтирган катта воқеълик бўлиши учун сабаб етилмаганлиги деб ўйлаймиз.

Ваҳоланки ушбу Конгресслар фаолияти мажбурий ҳуқуқий характерга эга бўлмаса ҳам, уларнинг тавсиялари ўз даври учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим механизмалардан бири бўлди<sup>18</sup>. Бу даврда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини асосан нодавлат яъни ҳукуматнинг кўллаб қувватлашисиз фаолият юритаётган хайрия ташкилотлари бажарар эди.

Ва ниҳоят 1984 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 39/46 сонли резолюцияси билан “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция” қабул қилинади ва ушбу ҳужжат 1987 йил 26 июнда кучга кирган. Шунингдек, қийноққа солишга қарши кураш бўйича аҳамиятга

---

<sup>17</sup> Федосеева Г.Ю. Уголовная юстиция-защита прав человека: Россия и человеческое измерение.- М.:ИНФРА,1999.-С.7.

<sup>18</sup> Исмаилов Б.И. Международные стандарты в области личных прав и свобод человека и национальное законодательство Республики Узбекистан (Проблемы взаимодействия и имплементации).: Автореф...дис.док.юр.наук.-Т.:УМЭД,2007.-183 с.

эга асосий ҳужжатлардан бири, яъни “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция” га факультатив Протокол бўлиб, у 2002 йил 18 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 57-199 резолюцияси билан қабул қилинган.

Қийноқларга қарши Конвенцияга қўшимча Протоколнинг тарихи 1970 йилларга бориб тақалади. Айнан мана шу протоколнинг қабул қилиниши МПМнинг вужудга келиши ва шаклланишида алоҳида аҳамият касб этди.

Хусусан, бу даврда швейцариялик банкир ва филантроп Жан Жак Готье яъни Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси( Association for the Prevention of Torture) нинг асосчиси қийноқлар содир бўлишининг олдини олиш тизимини яратиш ғоясини илгари сурган. У Халқаро Қизил Хоч жамияти таклифига биноан харбий ва сиёсий қочоқлар сақланаётган жазони ижро этиш муассаларига ташриф буюриб, қийноқ ва шафқатсиз муомала, камситувчи жазо турларини олдини олишнинг энг яхши усули, бу мустақил ҳолда озодликдан маҳрум қилиш муассасаларига мунтазам ташриф буюриш тизимини жорий этиш керак деган қарорга келган. Жан Жак Готье буни тартибга солувчи халқаро шартнома ишлаб чиқиш кераклиги таклифи билан чиққан. Аммо унинг ғояси 70 йилларда фақат утопик ғоя деб қаралган.

Бироқ Жак Готье қийноқларнинг олдини олишнинг энг самарали усули сифатида жавобгарлик чораларини кучайтиришда эмас, балки уларни олдини олиш бўйича доимий фаолият юритувчи, қамоқхоналарга (жазони ижро этиш муассасаларига) доимий ташрифни амалга оширувчи фаолият билан шуғулланувчи ташкилотнинг мавжудлигини энг самарали усул деб ҳисоблаган. Шунингдек, ушбу ҳолатда унинг фикрига кўра ташрифларнинг эълон қилинмасдан содир этилиши ушбу фаолиятнинг самарадорлигини янада оширишига олиб келишини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Бироқ ўша вақтларда ҳукуматларнинг ўз қамоқхоналарига бегона шахсларнинг киритилишига рухсат беришига кўп киши ишонмаган. Шу

сабабли ҳам 1977 йилда ушбу ғояни илгари суриш учун АПТ (Association for the Prevention of Torture) ташкил этилди<sup>19</sup>.

Фақатгина, 2002 йил Қийноқларга қарши қўшимча протоколнинг қабул қилиниши ва 2006 йилда кучга кириши, шунингдек, Халқаро юристлар Комиссияси (International Commission of Jurists) Бош Котиби ҳам ушбу таклиф билан чиққанидан сўнггина бу таклифга реал воқелик сифатида қарала бошланди.

Ва ниҳоят қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларга йўл қўймаслик маҳкумларга нисбатан муомала тамойилларида белгиланган. Бу ҳужжатлар тоифасига: Маҳкумлар билан муомаланинг минимал мезоний қоидалари (1955 йил), Ҳар қандай шаклидан қатъий назар ҳибсга олиш ва ҳибсда сақланадиган барча шахсларни ҳимоялашга оид тамойиллар тўплами (1988 йил), БМТнинг қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирларга нисбатан минимал мезоний қоидалар (Токио қоидалари 1990 йил), Тиббий этика тамойиллари (1982 йил) Маҳкумлар билан муомаланинг асосий тамойиллари (1999 йил, 14 декабрь) киради<sup>20</sup>.

Бундан ташқари “Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши” конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 130-І-сонли «1984 йил 10 декабрдаги Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ қўшилган.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги мажбуриятини олган.

---

<sup>19</sup> <https://www.apt.ch/en/who-we-are/our-history>

<sup>20</sup> Исмаилов Б.И. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти. Рисола– Т.: ТДЮИ Хуқуқий тадқиқотлар маркази, 2012.

Шу сабабли давлатимизда инсон ҳуқуқларини таъминланиши мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Шунингдек, ушбу қонун 2004 йил 27 августда ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Бироқ ҳар иккала ҳолатда ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга қийноқларни олдини олиш бўйича бирон бир ваколат берилмади. Яъни превентив механизмларни амалга ошириш бўйича омбудсманга на жазони ижро этиш муассаларига кириш имкони, на улар фаолияти бўйича бирон текширишларни амалга ошириш ваколоти берилмади.

Ваҳоланки, конвенция талабларига кўра қийноқларга қарши мунтазам фаолият юритувчи ташкилотнинг мавжудлигини ва унинг фаолиятини таъминлаш мажбуриятини давлат олган.

Бироқ ушбу фаолият билан прокуратура органларига ваколат берилган.

Хусусан, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг (бундан буён матнда прокуратура органлари деб юритилади) асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат<sup>21</sup>.

Хусусан, мазкур қонуннинг 31-моддаси талабларидан келиб чиқиб, прокурор ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларига, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларига, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларга ва вояга етмаганларнинг

---

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон

махсус ўқув-тарбия муассасаларига монеликсиз ва исталган вақтда ҳамма хоналар билан танишиш шарти билан киришга, шахсларга нисбатан ушлаб туриш, камоққа олиш, шунингдек жиноий жазо ёки жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилишига асос бўлган ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Бироқ прокуратура асосий вазифаси қийноқларни олдини олиш эмас, балки қонунчилик ижроси устидан умумий назоратни амалга оширганлиги сабабли ушбу фаолитнинг превентив механизм сифатида баҳолаб бўлмайди.

Бундан ташқари, ушбу соҳадаги амалиётчиларни ва олимларни фикрини инобатга оладиган бўлсак, прокуратурани превентив механизм сифатида қарашда бир мунча муаммолар мавжуд.

Хусусан, айнан шу соҳада БМТнинг мутахассислари томонидан берилган тавсияларда МПМ амалга оширувчи ташкилотда, биринчидан, тергов қилиш функцияси мавжуд бўлмасилиги лозим<sup>22</sup>.

Ваҳоланки, ЖПКнинг 35-моддасига кўра прокуратура органлари тергов функцияси мавжуд бўлган учта органдан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга ушбу кодекснинг 34-моддасига прокурорга суриштирув ва тергов бошқичларида суриштирувга ҳамда терговга таъсир ўтказувчи ваколатга эга.

Шу сабали ҳам биз гарчи прокуратурани жазони ижро этувчи ташкилотларда қонунийликни таъминлашда ўрни беқиёс бўлсада қийноқларни олдини бўйича превентив механизмни амалга оширучи ташкилот сифатида бағолай олмаслигимизга сабаб деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, Омбудсман “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги қонунда Омбудсман инсон ҳуқуқларни таъминланиши бўйича ваколатли орган эканлиги кўрсатилганлиги, ҳамда халқаро умумэтироф этилган нормаларга кўра қийноқлардан эркин бўлиш инсон ҳуқуқи эканлиги сабабали ушбу орган бир

---

<sup>22</sup> Preventing Torture: The Role Of National Preventive Mechanisms – A Practical Guide, Office of the United Nations High Commissioner for Human Rights, Geneva – Switzerland. 2018

мунча ваколат берилган эди (2019 йилда киритилган ўзгартириш киритилгунга қадар ҳамда ЖИКка 11.04.2009 йилда киритилган ўзгартиришга қадар Омбудсман қамоқхоналарга кириш ҳуқуқига эга эмас эди.)

Хусусан, Қийноққа қарши Конвенциянинг 13-моддаси юзасидан “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасида, вакил шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахс билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш ҳуқуқига эга эканлиги айтиб ўтилган. Бироқ ушбу ҳолат БМТ ҳулосасида танқидий фикр келтирилган.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия Кодексига 2009 йил 11 апрелда ўзгартириш киритилган бўлиб, уна кўра, унинг 18-моддасида<sup>23</sup>, шикоятларни кўриб чиқишда, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга эканлиги келтирилган. Шунингдек “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига кўра, суд, прокурор, ҳимоячи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ёки қамоқда сақлаш жойларини текшириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа давлат органлари номига, шунингдек жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга йўлланган аризалар, таклифлар ва шикоятлар цензурадан ўтказилмайди ҳамда берилган кундан кейинги иш кунидан

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда; 14-15-сон, 94-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й.



кечиктирмай муҳрланган тарзда адресатга юборилади ёки топширилади,<sup>24</sup> дейилган.

Бундан ташқари ушбу соҳада асосий Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги ЎРҚ-530-сонли Қонуни га кўра «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунини «Вакилнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолияти»га оид 209-модда билан тўлдирилди. Айнан мана шу ваколат туфайли омбудсман фаолияти бевосита превентив механизм сифатида қараш мумкин бўла бошлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига кўра фақат икки ташкилот (назорат қилувчи прокурор ва омбудсман) жазони ижро этувчи ташкилотларга монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.

Шу сабабли ҳам омбудсман ҳамда унинг ҳузуридаги Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари томонидан 2021 йилда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда 177 та мониторинг тадбири ўтказилган ва бундай тадбирлар ўтган йилга (76 та) нисбатан қарийб 2,5 бараварга кўп амалга оширилган бўлса-да, маҳкумларнинг яқин қариндошлари томонидан йўлланган мурожаатлар сони 4 541 тага ёки 4 бараварга ошган (2020 йилда 1 563 та, 2021 йилда 6 104 та).

Жумладан, омбудсман томонидан жазони ижро этиш муассасаларига 134 мартаба ташриф амалга оширилган бўлса-да, 14 та минтақавий вакил ҳисобига йилига 9 ёки 10 тадан ташриф тўғри келиб, ушбу кўрсаткич ойига 1 тани ҳам ташкил қилмайди.

Бундан ташқари мамлакатимизда амалга оширилган сўнги ислоҳатларда Омбудсманнинг қийноққа қарши превентив механизм сифатида роли бир мунча оширилганлигини кўришимиз мумкин.

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. 2014 йил 3 декабрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5163-сонли қарорида қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш, у билан боғлиқ муурожаатларни тезкор равишда ҳолисона кўриб чиқиш, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга мониторинг ташрифларини мунтазам амалга ошириш бўйича самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш ишларини давом эттириш лозимлиги таъкидланиб, бу борада Омбудсманга у томонидан тузиладиган жамоатчилик гуруҳларига бир мунча қўшимча ваколатлар берилди.

Хусусан, ушбу қарорда Омбудсманга гауптвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволаш муассасаларида (кейинги ўринларда — ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар) қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мониторинг ташрифларини мунтазам равишда амалга ошириш; қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни тезкор бартараф этиш бўйича талабномаларни тегишли давлат органига тақдим қилиш; қийноққа солиш хавфининг олдини олиш ҳамда бу соҳада илғор хорижий тажрибани жорий қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва бошқа ваколатлар шулар жумласига киради.

## 1.2. Қийноққа қарши превентив механизмнинг умумий таснифи

Маълумки, давлатнинг бош вазифаларидан бири инсон ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Шахсни қийноққа солиш ва унга нисбатан бошқа шафқатсиз ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки кадр-қимматини камситишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас”<sup>25</sup> деб кўрсатиб ўтилган.

Қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари халқаро ҳамжамият томонидан ғайриинсоний ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат сифатида тан олинади. Амалда қийноққа солиш, масалан, 1949 йил 12 августдаги “Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Конвенция”<sup>26</sup>, 1966 йил 19 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”<sup>27</sup>, 1995 йил 26 майдаги “Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги МДХ Конвенцияси”<sup>28</sup>, 1984 йил 10 декабрдаги “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция” ва бошқа қатор ҳужжатларда тақиқланган.

Хусусан, қийноқларни олдини олиш бўйича бутун дунёда бўйлаб турли чара-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

2002 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 57/199-сонли резолюцияси билан Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 26-модда. «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.

<sup>26</sup> Қаранг: 1949 йил 12 августдаги “Ҳарбий асирлар билан муомала тўғрисида”ги Женева Конвенцияси, 3-моддаси 1-қисми 1-бандининг “а” банди, 17-моддаси 4-қисми (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1993 йил 3 сентябрда қўшилган).

<sup>27</sup> 1966 йил 19 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт, 7-модда (Ўзбекистон Республикаси мазкур Пактга 1995 йил 31 августда қўшилган).

<sup>28</sup> Қаранг: 1995 йил 26 майдаги “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида”ги МДХ Конвенцияси, 3-модда.

Конвенцияга доир Факультатив протоколи билан миллий превентив механизм (МПМ) ташкил этилиши назарда тутилган.

Хусусан, ҳуқуқшунос олим Ф.Эшматованинг фикрига кўра миллий превентив механизм – қийноқнинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш мақсадида мустақил халқаро ва миллий органларнинг озодликдан маҳрум этилган шахслар сақланадиган жойларга мунтазам ташрифлар тизимини яратишдир<sup>29</sup>.

Бундан ташқари ҳуқуқшунос олим С.Ниёзованинг фикрига кўра МПМ қийноқни олдини олиш хусусиятига эга бўлиб, “у тергов ваколатига эга бўлмайди, қийноқни қўлланилганига оид шикоятлар бўйича қарор қабул қилмайди” ҳамда миллий превентив механизмларга Факультатив протоколнинг 19-моддасига асосан, энг камида қуйидаги ваколатлар тақдим этилади:

А) озодликдан маҳрум этилган шахсларни қийноқлар ҳамда муомала жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларидан ҳимоя қилишни, зарурат бўлса, кучайтириш мақсадларида 4-моддада белгиланган, улар билан қамоқда сақлаш жойларида муомала тўғрисидаги масалани мунтазам кўриб чиқиш;

В) озодликдан маҳрум қилинган шахслар билан муомалани ва уларнинг сақланиш шароитларини яхшилаш мақсадларида тегишли органларга тавсиялар тақдим этиш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли нормаларини ҳисобга олган ҳолда қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларининг олдини олиш;

С) амалдаги қонунчилик ёки қонун лойиҳаларига тааллуқли таклиф ва мулоҳазаларни таклиф этиш<sup>30</sup>.

Шунингдек, Н.Нодирхонованинг фикрига кўра МПМнинг асосий вазифаси жазони ўташ муассасаларига ташриф буюриш сифатида баҳоланиб,

---

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикасининг пегинциар тизимини такомиллаштирилиши: қонунчилик ва амалиёт, Тошкент 2021 йил, Ф.Эшматова

<sup>30</sup> <http://hudud24.uz/%d2%b3ech-kim-%d2%9bino%d2%9b%d2%9ba-solinishi-mumkin-emas/>

халқаро ҳуқуқий нормалар МПМнинг муайян ёки махсус шаклини назарда тутмаслигини, аксинча, улар ҳар бир иштирокчи-давлатга «миллий даражада қийноқларнинг олдини олиш учун бир ёки бир нечта мустақил миллий превентив механизмларни қўллаб-қувватлаш, тайинлаш ёки яратиш» имкониятини беришини таъкидлаб ўтилган<sup>31</sup>.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, биз қийноққа қарши миллий превентив механизм – асосий вазифаси ҳаракатланиш ҳуқуқи чекланган шахслар сақлаш жойларида уларга нисбатан қийноқ ёки бошқа ғайриинсоний ҳаракатларни амалга оширилишини олдини олиш бўйича ваколатли органларнинг ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларига, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларига, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларга ва вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларига доимий ташрифи ташкил этилиши сифатида баҳолашимиз мумкин..

Бундан ташқари чет эллик ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам қийноққа қарши миллий превентив механизмларга нисбатан таъриф бериб ўтилган.

Хусусан, Малком Эванснинг фикрича, миллий превентив механизмларига (МПМ) бу қийноқларнинг олдини олиш ва бошқалар учун бир ёки бир нечта органлардан ташкил топган шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларини қўлланилишини олдини олиш бўйича ташкил етилган мустақил ташриф буюрувчи органлардир<sup>32</sup> дея таъриф берилган.

Шунингдек, унинг фикрига кўра МПМнинг асосий вазифаси ҳаракатланиш ҳуқуқи чекланган шахслар жойлаштирилган жойларда ташрифи билан белгиланиши, МПМларда тергов қилиш функцияси

---

<sup>31</sup> “Тараққиёт стратегияси” бўлим бошлиғи Мақола Нилуфар Нодирхонова - Миллий превентив механизмини яратиш нима учун муҳим?. Мақола, <https://cyberleninka.ru/article/n/milliy-preventiv-mehanizm-tizimini-yaratish-nima-uchun-mu-im/viewer>

<sup>32</sup> PREVENTING TORTURE: THE ROLE OF NATIONAL PREVENTIVE MECHANISMS – A PRACTICAL GUIDE Office of the United Nations High Commissioner for Human Rights Palais des Nations CH 1211 Geneva – Switzerland.

берилмаган бўлиши ҳамда тергов билан боғлиқ вазифалар юкланмаган бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтган.

Бундан ташқари МДХ давлатлари олимлари томонидан ҳам превентив механизмлар тушунчаси ва вазифаларига оид ўз қарашларини кўрсатиб ўтишган.

Масалан, ҳуқуқшунос олим, доцент С.Сабаеванинг фикрича, МПМ бу озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан халқаро ҳуқуқда эътироф этилган минимал инсон ҳуқуқларини риоя этилиши устидан мониторингни амалга оширувчи фаолият тури сифатида баҳоланиб, МПМ камокқа олиш жойларида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратнинг халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона тизим сифатида таърифланган<sup>33</sup>.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда ҳамда қийноққа қарши превентив механизм амалга ошириладиган объектлар фақат ОМҚ жазосини ўтаётган шахслар сақланиш жойи эмас, балки сўроқ қилишга жалб қилиниб, тегишли тартибда сўроқ қилиниш учун тергов ҳаракати амалга ошириляётган жой ҳам бўлиши мумкинлиги сабабли ушбу тушунчага ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар жойлашган жойларда жумласини ишлатилишини ўринли деб ҳисоблаймиз.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.06.2021 йилдаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5163-сонли қарорида ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойга ҳуқуқий таъриф берилмасида гауптвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволаш муассасалари ушбу жойлар назарда тутилиши ушбу қарорда акс эттирилган .

---

<sup>33</sup> Сабаева С. В., Гуляев Д. Е., Поиск оптимальной модели национального превентивного механизма для Российской Федерации, Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА), 4/2021 год, стр 204.

Бундан ташқари Я.Ю.Реент<sup>34</sup> маълум бир давлатда инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) моделида мужассамланган инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг мумкин бўлган бузилишига тўсқинлик қилувчи "миллий олдини олиш механизми" мавжудлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, олимнинг фикрига кўра давлатлар ўз давлат бошқарувидан келиб чиқиб, ушбу ушбу фаолиятни бошқа орган зиммасига юклаши мумкинлиги тўғрисида тўхтамга келган. Бундан ташқари, муаллифнинг фикрича, ушбу фаолияти билан шуғулланувчи орган назорат қилиш функциясига эга бўлиши лозимлиги таъкидланиб, умуман ушбу фаолияти билан шуғулланувчи органга превентив механизмни амалга оширувчи ташкилот давлатнинг ушбу фаолият бўйича халқаро майдонда олган мажбуриятларини амалга ошира олиши лозимлиги кўрсатилган. Я.Ю.Реент ўз ишларида миллий превентив механизми концепцияси тушунча бермасдан ўтсада, муаллиф тадқиқотининг мазмунидан шуни аниқлаш мумкинки, МПМ халқаро пактларда белгиланган қоидаларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи орган сифатида тушунилади.

Бироқ бизнинг фикримизга кўра МПМнинг фаолияти фақат давлатнинг халқаро майдонда статусини сақлаб туришга қаратилмаган бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз. Ваҳоланки, МПМнинг ташкил этилишдан асосий мақсад халқаро майдонда давлатнинг мажбуриятларини таъминлашга эмас, балки ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларга нисбатан қийноқларни олдини олиш бўйича комплекс фаолият сифатида тушунишимиз лозим.

Бундан ташқари яна бир рус ҳуқуқшуноси В.Чуксина миллий превентив механизм фаолияти бўйича илмий иш олиб борган бўлиб, олимнинг фикрича, МПМнинг асосий фаолияти бу мансабдор шахсларнинг озодликдан маҳрум этилган субъектларга нисбатан хулқ-атворини шакллантиришга, конституциявий ва халқаро инсон ҳуқуқларини тартибга солиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функцияларини ташкилий-

---

<sup>34</sup> Реент, Я. Ю. Организация и правовое регулирование взаимодействия общественных наблюдательных комиссий с органами и учреждениями УИС / Я. Ю. Реент ; под науч. ред. А. Я. Гришко ; Федеральная служба исполнения наказаний России, Академия ФСИН России. – Москва : Проспект, 2018. – 20 с.

хуқуқий жихатдан амалга оширишга қаратилган ваколатли органларнинг (омбудсманларнинг) ихтисослашган ҳаракатлари тизими сифатида қаралади.

Шу ўринда В.Чуксинанинг ушбу фикрига қўшилишимиз мумкин. Хусусан, халқаро пактларнинг умумий мазмунидан кўринадики, МПМнинг самарали фаолиятини ташкил этиши учун ушбу фаолият билан шуғулланувчи ташкилот тергов қилиш ваколатига эга бўлмаслиги ҳамда тергов ҳаракатларига таъсир кўрсата олувчи қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлишини истисно этади.

Бундан ташқари, олимларнинг фикрига кўра, МПМлар ўз фаолиятида қуйидаги функцияларга эга бўлиши лозимлиги тўғрисида фикр билдирилган<sup>35</sup>:

Биринчидан, ҳар қандай қийноққа қарши превентив механизмнинг асосий вазифаси *ташриф буюриш* ҳисобланади. Хусусан, ҳаракатланиш эркинлигит чекланган шахслар шахслар сақланидаган жойларга ташриф орқали қийноқлар олди олиши орқали инсон ҳуқуқлари таъминланади. Бунда асосий эътибор ҳеч қандай маъмурий тақиқларсиз ташриф буюрувчи (превентив механизм) фаолиятига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслиги, ушбу ҳолатларда эса масъул мансабдор шахсларга тегишли чоралар, яъни жавобгарлик масаласи қонун билан таъминланган бўлиши лозим. Хусусан, МЖтКнинг 197<sup>4</sup>-моддасига кўра Омбудсманнинг қонунуий фаолиятига тўсқинлик қилинганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари Омбудсман ушбу функцияни амалга оширар экан бевосита жазони ижро этиш муассасаларига кириши лозим ва бевосита нафақат ижтимоий ҳафвли қилмиш содир этган шахслар билан, балки руҳий ҳолати бузилган шахслар билан бевосита мулоқат қилиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, МПМни амалга ошириш давомида ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар билан учрашувлар, яқка тартибдаги суҳбатлар ўтказилиши вақтида ҳаракатланиш эркинлиги

---

<sup>35</sup> PREVENTING TORTURE: THE ROLE OF NATIONAL PREVENTIVE MECHANISMS – A PRACTICAL GUIDE Office of the United Nations High Commissioner for Human Rights Palais des Nations CH 1211 Geneva – Switzerland.



чекланган шахсларни сақлаш жойлари маъмурияти Омбудсман ва жамоатчилик гуруҳи аъзолари томонидан мониторинг ташрифлари амалга оширилганда уларнинг хавфсизлигини таъминлаши шарт.

Бундан ташқари, МПМлар *ташаббускорлик функциясига* эга бўлиши лозим. Хусусан, МПМлар ўз фаолиятида нафақат қонунчиликка ўз фаолиятлари доирасида таклиф билан мурожаат қила олиши, шунингдек, ушбу фаолият доирасида тегишли давлат органлари фаолиятини ташкил этиш борасида тавсиялар бериши мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар рўйхати кўрсатилган бўлиб, унда Омбудсман бундай ҳуқуққа эга эканлиги кўрсатилмаган.

Бироқ халқаро экспертларнинг ҳамда хорижий давлатлар тажрибасидан кўринадикки, қийноққа қарши миллий превентив механизмни амалга оширувчи ташкилотга қийноққа қарши фаолияти борасида қонунчиликка таклиф берила олиш ҳуқуқини берилиши бу борада нафақат қонунчиликни такомиллаштиришига, балки бу борада амалиётдаги муаммоларни тўғридан тўғри ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли Қонуннинг 20<sup>1</sup>-моддасига кўра вакил беквосита эмас балки билвосита ўз фаолиятига доир масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари кўриб чиқиши учун қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларда иштирок этиши юзасидан таклифлар киритишга ҳақлилиги кўрсатилган.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 6312-сонли фармонида Омбудсманга бевосита қонунчиликка таклиф билан чиқиш ҳуқуқини бериш лозимлиги назарда тутилган бўлиб, 2021 йил декабрь ойида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги қонун лойиҳасида Омбудсманга қонунчиликка таклиф субъекти бўла олишини назарда тутувчи норма ўз аксини топди.

Учинчидан, МПМлар ўз фаолияти доирасида *таълим бериш* функциясига эга бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Ушбу фаолият тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишловчи ходимларга нисбатан тадбиқ этилиши, қисқа қилиб айтганда МПМ таълим берадиган талабалари ХМҚО органлари ходими бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос академик А.Саидовнинг фикрича<sup>36</sup> қийноққа қарши фаолиятда ўқитиш функциясида муҳим эканлиги таъкидланиб, унга кўра жиноятчиларни қамоққа олиш, уларни сўроқ қилиш ва қамоқдаги шахслар билан муносабатда бўлиш фаолияти билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг барча ходимларини қийноқ жиноятлиги тўғрисида тушунтиришлар олиб бориш. Шу билан бир қаторда, юқорида номлари кўрсатилган ходимлар ҳам қийноқни амалга ошириш билан боғлиқ буйруқларни амалга оширимасликлари ҳақида ҳам огоҳлантиришлари зарур.

Тўртинчидан, МПМлар қийноққа қарши фаолиятлари давомида *мувофиқлаштириш функциясини* амалга оширади. Ушбу функциянинг умумий мазмуни бошқа ташкилотларнинг қийноққа қарши превентив механизмларни амалга оширишда иштирокини жалб қилиш, ушбу фаолият давомида тегишли ҳисоботлар ва тушунтиришларни талаб қилиб олиш функцияси мавжуд бўлиши лозим.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо

---

<sup>36</sup> А.Саидов, Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси, дарслик, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012 й., 144-бет

турларини кўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги”ги қўшма қарорига кўра тасдиқланган низомга кўра МПМни амалга оширувчи субъектлар сифатида Вакилнинг, Вакил Котибиятининг Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларининг олдини олиш бўлимининг ва жамоатчилик гуруҳларининг фаолияти тартибга солиниб, жамоатчилик гуруҳларини ташкил этиш тартиби, ваколатлари, тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиблари кўрсатиб ўтилган.

Хусусан, ушбу низомга кўра Вакил ўз фаолиятига кўмаклашиш учун жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган аъзолари сони уч нафардан кам ва ўн беш нафардан кўп бўлмаган таркибда Жамоатчилик гуруҳларини тузади.

Жамоатчилик гуруҳлари юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, қоида тариқасида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази экспертлари, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, психология, педагогика соҳаларида, шунингдек бошқа соҳаларда касбий ва амалий билимларга эга бўлган мутахассислардан, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларида иборат таркибда шакллантирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу низомда жамоатчилик гуруҳларининг ваколатлари, лавозимидан озод этиш асослари кўрсатиб ўтилганлиги 2010 йилнинг 15-19 ноябрь кунлари Женевада ўтказилган “Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган бошқа турлари бўйича кичик кўмита ўн иккинчи сессиясида” миллий превентив механизмларга тегишли “қийноқни олдини олишга оид миллий превентив механизм мандати ва ваколатлари конституциявий ва қонунчилик ҳужжатларида аниқ баён этилиши керак”лиги, “тегишли қонунчиликда МПМ аъзоси/аъзолари ваколатининг муддати ўрнатилиши ҳамда улар бўшатилишининг ҳар қандай асослари баён этилиши кераклиги тўғрисидаги раҳбарий тамойил талабларига мос келади.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, Вакил томонидан МПМни амалга ошириш учун экспертлар гуруҳи шакллантирилиши мукинлиги ҳамда уларнинг фаолияти Вакил томонидан ишлаб чиқиладиган низом асосида амалга оширилиши кўрсатилган. Шу сабабли МПМни амалга оширишда экспертлар гуруҳини ташкил этилиши, уларнинг ваколат муддатлари, аъзоликка тайинлаш тартиби, аъзоликдан чиқариб юбориш тартибларини ўзида акс эттирувчи қонун нормасини мавжудлиги МПМларни ташкил этиш бўйича халқаро стандартлар тоифасига туширарди.

## **II БОБ. ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ ХАЛҚАРО ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМЛАР ВА ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМНИ АМАЛГА ОШИРИШ МОДЕЛЛАРИ**

### **2.1. Қийноққа қарши превентив механизмни амалга оширишда Омбудсманнинг ўрни**

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани сингари суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли институционал ислоҳотлар ўтказилди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро мажбуриятларни амалга оширишга, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларга қулай шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқлари. Эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, сўнги йилларда мамлакатимизда шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатлари кафолатларини янада кучайтириш, шу жумладан инсонларни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки уларнинг қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш каби салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўймаслик ва уларни олдини мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тараққиёт стратегияси маркази ижрочи директори Элдор Туляковнинг ҳам мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги асосий ютуқлардан бири сифатида “қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ёки жазони йўқ қилиш” бўйича амалга оширилган ислоҳотларни алоҳида қайд этти<sup>37</sup>.

Хусусан, шахс ҳуқуқларини чеклаш ҳамда ноқонуний усуллар (шахсни қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки уларнинг қадр-қимматни

---

<sup>37</sup> Туляков Э. “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари: ютуқлар ва келажак учун вазифалар”, Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши – Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар, эришилган натижалар таҳлилига бағишлаган мақола [Электрон манба] <https://strategy.uz/index.php?news=1292>

камситувчи муомалани қўллаш) орқали олинган далиллардан исбот қилишда далил сифатида шахсни айблашда фойдаланганлик учун қатъий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини қўллаш бўйича жавобгарлик назарда тутилган Жиноят кодексининг 235-моддаси<sup>38</sup> Бирлашган Миллат Ташкилотининг Қийноқларга Қарши Конвенцияси 1-моддасининг мазмунига мувофиқлаштирилди. Нуфузли халқаро ташкилотларнинг тавсияларига кўра, Ўзбекистон Президенти тегишли Фармонига<sup>39</sup> асоан Қорақалпоғистондаги Жаслик колонияси тугатилди.

Шахсларга нисбатан тергов босқичида вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ёки тергов ҳибсхоналарида сақланаётган ёхуд жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган шахсларни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки уларнинг кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашда превентив механизмларни амалга оширилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шу билан бирга, шикоятларни, ўз ташаббуси билан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилгани тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда Омбудсман жазони ижро этиш муассасаларига, ҳибсга олинган жойларга ва махсус қабул қилиш жойларига монеликсиз ташриф буюришга ҳақлидир.

Омбудсманнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

---

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 235-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон,

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қорақалпоғистон республикаси ички ишлар вазирлигининг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида” 2019 йил 2 августдпги ПҚ-4414-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 07/19/4414/3510-сон.

Жазони ижро этиш муассасалари ёки вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарининг маъмурияти Омбудсманга ҳибсда бўлган шахслар билан тўсиқсиз ва махфий учрашув ва суҳбат учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга мажбур. Мониторинг гуруҳлари таркибига фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари киради.

Пандемия пайтида шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда, Омбудсман 10 та жазони ижро этиш муассасасига (4 та жазони ижро этиш колонияси ва 6 та манзил колонияси) ташриф буюрган<sup>40</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) қийноққа қарши превентив механизмларни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, бунда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ва воситаларини тўлдиришга ёрдам беради.

Омбудсман идораси кўплаб давлатларда фаолият кўрсатадиган миллий ташкилот ҳисобланади. Омбудсман идораси ва миллий институтлар фаолиятида айрим жабҳаларда ўхшашлик кузатилса-да, омбудсман идорасининг фаолият кўрсатиш соҳаси қайсидир маънода чекланган бўлиб, улар умуман олганда давлат бошқарувида одиллик ва адолатни таъминлашга хизмат қиладилар. Инсон ҳуқуқлари соҳасида алоҳида ваколатлар берилиб, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боровчи Халқаро қўмита томонидан аккредитациядан ўтган омбудсман идораларигина том маънода инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият юритувчи миллий институт сифатида талқин қилиниши мумкин<sup>41</sup>.

Омбудсман томонидан қийноққа қарши превентив механизмларни амалга ошириш бир нечта шаклларда амалга оширилади.

---

<sup>40</sup> Туляков Э. “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари: ютуқлар ва келажак учун вазифалар”, Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши – Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар, эришилган натижалар таҳлилига бағишлаган мақола [Электрон манба] <https://strategy.uz/index.php?news=1292>

<sup>41</sup> Инсон ҳуқуқлари: Парламент аъзолари учун қўлланма. - Тошкент: Baktria press, 2019. – 40-б.

Айрим олимларнинг фикрига кўра қийноқ, қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолаш турларининг тақиқланишида превентив механизмлар уч хил шаклларда амалга оширилади. Булар:

- 1) ҳурмат қилиш;
- 2) ҳимоя қилиш;
- 3) амалга татбиқ этиш<sup>42</sup>.

Бизнинг фикримизга кўра, ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга татбиқ этиш фақатгина превентив чоралар бўлмасдан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги давлатлар зиммасига юкланган мажбуриятлар ҳисобланади.

Давлатнинг ҳурмат қилиш мажбурияти деганда, давлатнинг амалда мавжуд бўлган инсон ҳуқуқларидан эркин фойдаланишига аралашишига йўл қўйилмаслигини тушуниш зарур<sup>43</sup>.

Қийноқларни олдини олишда ҳурмат қилиш мажбуриятини оладиган бўлсак, ваколатли органлар, жумладан тергов идоралари ёки жазони ижро этиш муассасалари ходимлари томонидан шахсларни сўроқ қилиш жараёнида қийноқлардан фойдаланмаслик лозим.

Ҳимоя қилиш мажбуриятига кўра нодавлат иштирокчилар, хорижий давлат агентлари ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қиладиган давлат мансабдорлари томонидан ҳуқуқ бузилишлари содир этилган ҳолларда давлатлар томонидан шахснинг ҳимоя қилинишини талаб этади<sup>44</sup>.

Давлатнинг мазкур мажбуриятини таҳлил этадиган бўлсак, ушбу мажбурият профилактик чора-тадбирлар кўриш ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганда уларни тиклашга қаратилган чоралар бўйича уларга нисбатан муносиб жавоб қайтаришни ҳам ўз ичига олади.

Бунда давлат томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида тегишли қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш орқали уларга муносабат

---

<sup>42</sup> Москалькова Т. Н. Институт уполномоченных по правам человека в государственном механизме России // Административное право и процесс. – 2018. – № 12. – С. 52–59.

<sup>43</sup> Инсон ҳуқуқлари: Парламент аъзолари учун қўлланма. - Тошкент: Baktria press, 2019. – 38-б.

<sup>44</sup> Инсон ҳуқуқлари: Парламент аъзолари учун қўлланма. - Тошкент: Baktria press, 2019. – 38-б.



билдириши, бошқалар томонидан шахсга нисбатан амалга оширилган инсон ҳуқуқларини бузиш ёки чеклаш билан боғлиқ бўлган таҳдидларини билган ёки билиши лозим бўлганда уларни ҳимоя қилиш учун чоралар кўриши, инсон ҳуқуқлари бузилишлари юзага келганда малакалаи ва ҳолис юридик воситалардан фойдаланиш имкониятини таъминлаши зарур.

Энди эса, амалга татбиқ этиш мажбуриятига тўхталадиган бўлсак, барча давлатларнинг фуқаролари томонидан қонун билан уларга берилган инсон ҳуқуқларидан амалда фойдаланишларини таъминлашга қаратилган ижобий чора-тадбирлар кўриши тушунилади.

Бунда қонунчилик ҳужжатлари билан берилган инсон ҳуқуқлардан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар давлат ваколатли органлари томонидан амалда таъминлаб берилиши лозим.

Бажарилиши лозим бўлган мажбуриятнинг кўлами қайси ҳуқуққа тааллуқлилиги ва давлатлар ихтиёридаги мавжуд имкониятларга боғлиқ. Умуман олганда, давлатлар «ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ҳуқуқий, институционал ва процессуал шароитларни яратиши керак»<sup>45</sup>.

Ҳуқуматлар ва бошқа давлат идоралари инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоялаш ва амалда таъминлаб беришга мажбур бўлиб, бу мажбуриятларга риоя этмаслик ҳолатларининг рўй бериши шахснинг ҳуқуқи бузилиши учун товон талаб қилиши, тегишли ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Қийноқларни олдини олишда ва қамоққа олиш жойларида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва жамоатчилик назорати тизими ягона эмас, ушбу назоратни амалга оширувчи субъектларнинг фаолияти бир вақтнинг ўзида олдини олиш, мунтазамлик ва мустақиллик тамойилларига жавоб бермайди.

---

<sup>45</sup> Валтер Калин ва Ёрг Кунзли, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ҳуқуқи, Оксфорд, Оксфорд университети нашриёти, 2009, 112.

С.В.Сабаева, Д.Е.Гуляевлар тўғри таъкидлаганидек, қийноқларни олдини олишда жамоатчилик назоратининг янги тизимини – миллий профилактика механизмини яратиш муҳим аҳамиятга эга<sup>46</sup>.

Кўплаб давлатларда миллий профилактика механизмларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш хусусиятларини кўриб чиқиш соҳасида кенг камровли илмий тадқиқотлар мавжуд эмас<sup>47</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси маълумотларига асосланиб, 2021 йилдаги маълумотларга 64 та хорижий давлатда мавжуд бўлган миллий профилактика механизмлари моделлари аниқланган.

Арманистон, Озарбайжон, Болгария, Бразилия, Буюк Британия, Грузия, Қирғизистон, Янги Зеландия, Руанда, Финляндия, Франция ва Швейцария каби 12 давлатда миллий профилактика механизмлари қонун даражасида тартибга солинган<sup>48</sup>.

Қиёсий ҳуқуқий тадқиқотлар натижасида дунёда мавжуд бўлган миллий профилактика механизм моделлари ажратиб кўрсатилган бўлиб, уларга қуйида тўхталиб ўтамиз.

Биринчи модел бу “Омбудсман+” модели бўлиб, ушбу модел қийноқ ва зўравонликка қарши курашнинг энг самарали воситаларидан бири деб тан олинган. Ушбу модель қийноқ ва зўравонликка қарши кураш ва уларни олдини олишни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги орган томонидан олиб борилиши назарда тутати. Ушбу моделни жорий этиш қамоқда сақлаш жойларида инсон ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш жараёнида нафақат Омбудсманнинг ўзи, балки фуқаролик жамияти вакиллари ҳам иштирок этишини назарда тутати.

---

<sup>46</sup> С.В.Сабаева, Д.Е.Гуляевлар Поиск оптимальной модели национального превентивного механизма для Российской Федерации (результаты сравнительно-правового исследования законодательства зарубежных государств) // Вектор юридической науки. 4/2021. С. 204.

<sup>47</sup> Встречаются некоторые научные работы, в которых указывается лишь на необходимость создания НПМ в Российской Федерации. См., например: Перрон Ю. В. О перспективах создания нового механизма международного контроля за соблюдением прав осужденных в Российской Федерации // Вестник Института [ВИПЭ ФСИН России]: преступление, наказание, исправление. 2016. № 2. С. 48—54.

<sup>48</sup> С.В.Сабаева, Д.Е.Гуляевлар Поиск оптимальной модели национального превентивного механизма для Российской Федерации (результаты сравнительно-правового исследования законодательства зарубежных государств) // Вектор юридической науки. 4/2021. С. 204.

“Омбудсман+” модели 64 та хорижий давлатда жорий этилган бўлиб, ушбу моделнинг вазифалари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида органлар (Омбудсман) ва кўпинча унинг идораси аъзоларига юкланган<sup>49</sup>.

Иккинчи модель камоққа олиш жойларида шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган давлат органини (мансабдор шахсини) ташкил этишни назарда тутувчи миллий профилактика механизми модели бўлиб, ушбу модель 16 та хорижий давлатда мавжуд.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси маълумотларига кўра, модел Аргентина, Боливия, Гватемала, Гондурас, Кабо-Верде, Камбоджа, Қирғизистон, Ливан, Лихтенштейн, Парагвай, Тунис, Франция, Италия, Никарагуа, Сенегал ва Швейцария каби давлатларда жорий этилган<sup>50</sup>.

Аксарият хорижий давлатларда миллий профилактика механизми функциялари камоққа олиш жойларида қийноқларнинг олдини олиш бўйича кўмита, комиссия ёки марказ шаклида мавжуд бўлган махсус тузилган коллегиял инсон ҳуқуқлари органи томонидан амалга оширилади. .

Кўриб чиқиладиган модель Омбудсман+ моделининг модификацияси билан бир хил бўлиб, миллий профилактика механизми функцияларини Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия амалга оширишини назарда тутуди.

Бизда мавжуд бўлган тартибга асосан миллий профилактика механизм модели биринчи модел бўлган “Омбудсман+” моделига ўхшаш ҳисобланади.

Хусусан, 2019 йил март ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) қийноққа қарши превентив механизмларни амалга оширишда **“миллий превентив механизми”** вазифасини бажариб келмоқда.

---

<sup>49</sup>Управления Верховного комиссара ООН по правам человека (URL: <https://www.ohchr.org/EN/hrbodies/orcat/pages/nationalpreventivemechanisms.aspx> (дата обращения: 26.11.2020)).

<sup>50</sup> С.В.Сабаева, Д.Е.Гуляевлар Поиск оптимальной модели национального превентивного механизма для Российской Федерации (результаты сравнительно-правового исследования законодательства зарубежных государств) // Вектор юридической науки. 4/2021. С. 211.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги ЎРҚ–530-сон Қонунига<sup>51</sup> асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (Омбудсман) юқоридаги функцияни бажариш ваколати берилди.

Ушбу механизмнинг асосий фаолият йўналиши жазони ижро этиш муассасалари, қамоқ жойлари ва махсус қабулхоналарда, вақтинча сақлаш хибсхоналари ва тергов изоляторларида қонунчилик ҳужжатларига асосан қафолатланган инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг таъминланишини ўрганиш бўйича тегишли мониторингни ташкил қилишга қаритилган.

Профилактик механизм шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари қўлланилишига йўл қўймаслик, уларга нисбатан тазйиқ ва шавқатсиз чоралар қўллашнинг олидини олишга қаратилган чоралар тизими<sup>52</sup>.

Бунда, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, зўравонликни олдини олишда энг аввало тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактика ишларини ташкил этиш лозим.

Юқоридаги қонун билан Омбудсманнинг шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги 2 та ваколати тартибга солинди;

биринчиси, ушлаб турилган ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг Омбудсманга мурожаат этиш тартибга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали аниқлик киритилди;

иккинчидан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолияти тартибга солинди.

---

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги ЎРҚ–530-сон “Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон.

<sup>52</sup> Пулатова, Ш. А. Зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш [Матн] услубий қўлланма // Ш. А. Пулатова, А. Ш. Муродов. – Тошкент: Baktria press, 2020.

Жазони ижро этиш муассасаларининг, қамокда сақлаш жойларининг ва махсус қабулхоналарнинг маъмурияти қамокда турган шахсларнинг муурожаатларини Омбудсманга йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, мухрланган тарзда юборади, телеграммаларни эса дарҳол юборади<sup>53</sup>.

Омбудсманнинг жавоби кўздан кечирилиши мумкин эмас ва арз килувчига зудлик билан етказиб берилади. Омбудсман шикоятлар кўриб чиқиладиганда, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текширадиганда қамокда сақлаш жойларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.

Қамокда сақлаш жойларининг маъмурияти Омбудсманга қамокда турган шахслар билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт, учрашув ва суҳбат ушбу муассасалар ходимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади.

Ҳисобот йилида Омбудсман номига гауптвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволаш муассасаларида (ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда) сақланаётган шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ҳамда ҳимоячилари (адвокатлари) томонидан 6104 та (2020 йилда 1563 та) муурожаат келиб тушди<sup>54</sup>.

Шундан, 2119 таси ёки 34,8 фоизи бевосита ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахсларнинг муурожаатларидир. Муурожаатларнинг 2418 тасида (2020 йилда 385 та) суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларидан ва 1676 тасида (2020 йилда 362 та) суд ҳукмидан шикоят қилинган.

---

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги 669–II-сон “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 420-модда.

<sup>54</sup> Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олиш ва аниқлаш мақсадида амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза. Тошкент 2022. 11-бет.

Қийноқларни олдини олиш бўйича Омбудсманга берилган яна бир ваколат бу қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш ваколати бўлди. Омбудсман жазони ижро этиш муассасаларининг, қамоқда сақлаш жойларининг ва махсус қабулхоналарга кирганида бир нечта ваколатларга эга.

қамоқда турган шахсларнинг сони ҳақида ахборот олади;

қамоқда турган шахсларни сақлаш ва улар билан муомалада бўлиш шароитларини ўрганади;

қамоқда турган шахслар билан, шунингдек қамоқда сақлаш жойлари маъмуриятининг ходимлари билан учрашувлар ва суҳбатлар, шу жумладан холи учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилади. Бунда мазкур учрашувлар ва суҳбатлар жараёни боришининг баённомаси юритилади, зарур бўлганда техника воситаларидан фойдаланилади;

шахснинг қамоқда туришининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишади ва уларнинг кўчирма нусхаларини олади;

қамоқда сақлаш жойларининг маъмуриятидан қамоқда турган шахсни тиббий текширувдан ўтказишни, унга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатилишини талаб қилади, мазкур тадбирлар ўтказилаётганда ушбу шахснинг розилиги билан ҳозир бўлади;

қамоқда сақлаш жойларининг маъмурияти раҳбарларидан қамоқда турган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари юзасидан тушунтиришлар олади;

қамоқда сақлаш жойлари маъмуриятининг ғайриқонуний ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) чек қўйиш учун зудлик билан чоралар кўради;

қамоқда турган шахсларни сақлаш шароитлари тўғрисида хулоса тузади ва уни тегишли ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юборади;

тегишли давлат органларига уларнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда

жазо турларини қўллашнинг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва таклифлар киритади.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда кийноққа солиш ҳолатларининг олдини олиш ва аниқлаш мақсадида амалга оширилган ишлар юзасидан маърузасида қайд этилишича 2021 йилда Омбудсманга келиб тушган (6104 та (2020 йилда 1563 та)) мурожаатларнинг 557 таси (246 та) суд ҳукмини енгиллаштириш, муддатидан олдин озод этиш ва афв этиш, 208 таси (31 та) Омбудсман билан учрашиш, 192 таси (184 та) руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказилганлиги, 176 таси (93 та) оиласига кўмак бериш, 158 таси (39 та) тиббий ёрдам кўрсатиш, 92 таси (106 та) бошқа муассасага ўтказиш, 34 таси (3 та) суд мажлисида Омбудсман масъул ходимининг кузатувчи сифатида иштирок этиши ва 593 таси (114 та) бошқа масалалар юзасидан йўлланган.

Суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларидан норозилик мазмунида келиб тушган шикоятлар юзасидан Омбудсманнинг хатига асосан Бош прокуратура томонидан олиб борилган ўрганишларга кўра, жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ҳақидаги 32 та қарорнинг барвақт қабул қилинганлиги аниқланиб, бекор қилинган ва 16 та ҳолатда айбдор ходимларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан хизмат текшируви ўтказилиши таъминланган.

Жазони ёки эҳтиёт чорасини енгиллаштириш юзасидан маҳкумлар (маҳбуслар) томонидан келиб тушган мурожаатлар юзасидан Омбудсманнинг хатига асосан 13 та мурожаат бўйича тегишли судлар томонидан 59 нафар (2020 йилда 14 нафар) маҳкумга нисбатан тайинланган жазолар енгилроғига алмаштирилган ва 2 нафар (2020 йилда ўзгартирилмаган) маҳбуснинг эҳтиёт чоралари енгилроғига ўзгартирилган.

Маҳкумлар томонидан оиласига кўмак кўрсатиш масаласида келиб тушган мурожаатлар юзасидан тегишли ҳокимликлар томонидан 11 нафар (2020 йилда 9 нафар) маҳкумнинг оила аъзоларига турли хилдаги иқтисодий

ва ижтимоий кўмак кўрсатилган. Жазони ижро этиш департаменти томонидан 13 нафар (2020 йилда 4 нафар) маҳкум Омбудсманнинг хатига асосан истисно тариқасида яшаш жойига яқин бўлган ҳудудлардаги жазони ижро этиш муассасаларига кўчирилган.

Шу билан бирга, Омбудсман ҳар йили 15 мартга қадар Олий Мажлис палаталарига қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маърузани тақдим этиш ва уни оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернетдаги расмий веб-сайтида эълон қилиш лозим<sup>55</sup>.

Бундан ташқари, Омбудсман қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга мониторинг ташрифларини ҳам амалга оширади. Мониторинг ташрифлари ҳар чоракда камида бир маротаба амалга оширилади.

2016–2019 йилларда Миллий превентив механизм ваколати доирасида Омбудсман томонидан 73 та мониторинг ташрифи, шу жумладан жазони ижро этиш муассасаларига 53 та, тергов ҳибсхоналарига 20 та ташриф амалга оширилди<sup>56</sup>.

Мониторинг гуруҳларида Қонунчилик палатаси депутатлари ва Олий Мажлис Сенати аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациялари Кенгаши, “Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти” нодавлат нотижорат ташкилоти, “Хьюман Райтс Вотч” халқаро ноҳукумат

---

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 24 декабрдаги 1690-IV/КҚ-294-IV-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори.

<sup>56</sup> Ўзбекистон Республикаси пенитенциар тизимининг такомиллаштирилиши: қонунчилик ва амалиёт. Масъул муҳаррир: Ф.Ф. Эшматова – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман). Тошкент, 2021 й., 26-бет.



ташкilotи, Ўзбекистондаги ЮНИСЕФ ваколатхонаси, Конрад Аденауэр номидаги фонд вакиллари иштирок этди.

Шунга кўра, ўтган 2021 йил давомида Омбудсман ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда қийноқ ҳолатларининг олдини олиш ва аниқлаш мақсадида мониторинг ташрифларини амалга ошириш тизимли йўлга қўйилди. Ушбу мақсадда Омбудсман ва унинг ҳузуридаги Жамоатчилик гуруҳлари томонидан 2021 йилда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга 177 мартаба мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2020 йил якунларига кўра 72 тани ташкил этган<sup>57</sup>.

Ташрифларнинг 91 таси (2020 йилда 42 та) жазони ижро этиш муассасаларида, 36 таси (2020 йилда 6 та) тергов ҳибсхоналарида, 12 таси (2020 йилда 9 та) Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида, 7 таси (2020 йилда 5 та) Махсус қабулхоналарда, 5 таси (2020 йилда 2 та) Реабилитация этиш марказларида ва 1 таси (2020 йилда амалга оширилмаган) Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида ўтказилди

Ташрифлар давомида 4,5 мингдан ортиқ (2020 йилда 4 мингга яқин) шахс билан жамоавий ва 758 нафар (2020 йилда 578 нафар) шахс билан яққа тартибда суҳбатлар ўтказилди.

Мониторинг ташрифларида ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда шахсларни сақлаш шароитлари, яшаш ва овқатланиш, меҳнат қилиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолати ва сифати, олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, коронавирус пандемияси даврида санитария-гигиена талабларига риоя этилаётганлиги ҳамда таълим-тарбия ва бошқа шу каби ҳолатлар ўрганилди.

Мониторинглар давомида ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда салбий ҳолатларнинг ҳанузгача мавжудлиги ҳам маълум бўлди. Аниқланган салбий

---

<sup>57</sup> Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олиш ва аниқлаш мақсадида амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза. Тошкент 2022. 5-бет.

ҳолатлар ва мониторинг ташрифлари юзасидан ҳар чорақда таҳлилий маълумотлар, ахборотлар ва тақдимнома тайёрланиб, мутасадди вазирлик ва идораларга киритилди.

## 2.2. Қийноққа қарши превентив механизм моделлари

1984 йилдаги конвенция ҳамда Қўшимча протокол бирон бир давлатга қийноққа қарши превентив механизмни амалга оширишда муайян йўналишни қатъий белгилаб бермаган.

Бироқ давлатларга қийноқларни олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш мажбуриятини берган.

Шу сабали ҳам ҳар бир давлат ўзининг миллий қонунчилиги ҳамда мамалакатда ўрнатилган ҳуқуқий тартиботнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўзига бирон бир моделни танлаши мумкин.

Хусусан, хорижий мамлакатларда ўрнатилган тартибга кўра умумий қуйидаги моделларни яратилганлигини кўришимиз мумкин:

- “Омбудсман+” модели<sup>58</sup>
- “Марказлашмаган коллегиял орган” модели<sup>59</sup>
- “Ихтисослаштирилган давлат органи (мансабдор шахс)” модели<sup>60</sup>.

Хусусан, ҳуқуқшунос олим **Ю.Перронинг** фикрига кўра “Омбудсман+” моделига кўра ушбу моделда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг функцияларидан келиб чиқиб қийноқларни олдини олиш бўйича асосий вазифани Омбудсман амалга ошириши ва бошқа ушбу функцияга эга бўлган давлат органлари ёки хусусий сектор вакиллари албатта қамоқхоналар стратегик муҳим аҳамиятга молик жойлар ҳисобланганлиги сабабли Омбудсманга ҳисобдор бўлиши ёки унинг қуйи ваколатли органлари бўлишини назарда тутди.

Ушбу моделнинг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида шуни гувоҳи бўлишимиз мумкинки, дунё бўйлаб давлатларнинг аксарият қисми мана

---

<sup>58</sup> По данным Управления Верховного комиссара ООН по правам человека

<sup>59</sup> 2 Перечень органов (организаций, лиц), образующих НПМ, краткое описание их полномочий см.: Официальный сайт НПМ Великобритании. URL: <https://www.nationalpreventivemechanism.org.uk/members/> (дата обращения: 29.11.2020).

<sup>60</sup> Закон от 12.07.2012 № 104 «О Национальном центре Кыргызской Республики по предупреждению пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания» // URL: <http://npm.kg/wp-content/uploads/2017/03/zakon-o-ntspp.pdf> (дата обращения: 28.11.2020).

кийноққа қарши превентив механизм сифатида “Омбудсман+” моделини қўллашидир.

Ваҳоланки, 64 давлатдан 39 таси ушбу модел асосида превентив механизм жорий этганлигини кўришимиз мумкин<sup>61</sup>.

Ушбу моделнинг яна бир ўзига хослиги шундан иборатки, омбудсман асосий МПМ вазифасини бажарувчи давлат органи ҳисобланиб, МПМ омбудсман апарати ходимлари (қуйи орган томонидан) ёки омбудсманга бўйсинувчи хусусий сектор ёинки омбудсманга ҳисобдор бўлган бошқа ташкилот томонидан амалга оширилишини назарда тутди.

Лекин ушбу модел жамоатчилик элементларини МПМда фаолиятини чекламасдан уларнинг Омбудсманга ҳисобдорлигини оширади.

Хусусан, Арманистоннинг “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни<sup>62</sup>га кўра Омбудсман, шунингдек, унинг махсус тузилган штатда унинг аппаратида таркибий бўлинмасига кирувчи ходимлари, фақат Омбудсман қамоқда сақлаш жойларига мунтазам ва профилактик ташриф буюриш ҳуқуқига ега эканлиги ҳамда ушбу фаолиятга касбий ёрдам олиш учун у шартнома асосида жамоат ташкилотлари вакилларини - экспертларни жалб қилиши мумкин эканлиги белгиланган.

Ушбу ҳолат эса Арманистонда жамоатчилик назоратини ҳам маълум маънода МПМдаги ўрнини кўрсатиб беради.

Аммо бундай назорат жамоатчиликни мустақил фаолият олиб боришини англамайди.

Ваҳоланки, экспертлар функционал ва молиявий жиҳатдан Омбудсманга бўйсундилар. Улар МПМ функцияларини фақат омбудсманнинг ёзма қарори асосида амалга оширишлари мумкин.

---

<sup>61</sup> Албания, Австрия, Арманистон, Озарбайжон, Болгария, Венгрия, Греция, Грузия, Дания, Испания, Қозоғистон, Кипр, Коста-Рика, Литва, Люксембург, Молдова, Норвегия, Польша, Португалия, Руминия, Шимолий Македония, Сербия, Словения, Украина, Финляндия, Хорватия, Черногория, Чехия, Эквадор ва Естония. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари боўйича Олий комиссарлиги бошқармаси маълумотларига қаранг, масалан [Armenia \(ohchr.org\)](http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=5712&lang=rus#5)

<sup>62</sup> Закон Республики Армения от 14.01.2017 № ЗР-1 «О защитнике прав человека» // URL: <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=5712&lang=rus#5> (дата обращения: 27.11.2020).

Бундан ташқари уларнинг фаолияти Омбудсманга ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Шунингдек, ушбу жамоатчилик назорати мунтазам фаолият юритувчи ташкилот сифатида фаолият юритмасдан Омбудсман хоҳишига кўра, ҳар бир аниқ ҳолатда, қамокда сақлаш жойларига боришда жамоатчилик вакиллари жалб қилиш тўғрисида қарори асосида МПМ фаолиятига жалб қилинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунининг 20<sup>9</sup>-моддасига кўра омбудсман қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолиятига кўмаклашиш учун Вакил томонидан эксперт гуруҳи тузиллиши ҳамда эксперт гуруҳи тўғрисидаги низом Вакил томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Бундан ташқари ушбу моддага кўра вакил эксперт гуруҳи аъзоларининг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишга доир вазифаларини белгилайди, шунингдек уларга қамокда сақлаш жойларига ва шахслар турган, ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган бошқа жойларга монеликсиз кириш ҳуқуқини берувчи махсус йўлланмалар беради.

Бундан ташқари, юридик фанлар доктори **В.В.Чуксин**нинг фикрига кўра давлатларга қийноққа қарши превентив механизм сифатида “Омбудсман+” моделини танланиши кўйидагича устунликларни бериши мумкин<sup>63</sup>.

**Биринчидан**, давлат алоҳида ушбу функцияни амалга оширувчи давлат органини ташкил этиши ўрт бўлмайди, бу эса бюджет пулларини нисбатан тежалишига олиб келади.

---

<sup>63</sup> Chuksina V.V. Vnesudebnaya zashchita prav cheloveka: post-ombudsmen instituty // Konstitutsionnoe pravo. 2011. <sup>1</sup> 6. S. 33–35.

**Иккинчидан,** инсон ҳуқуқларини таъминловчи асосий вакиллик орган сифатида Омбудсманга ушбу функцияни берилиши қўшимча ходимларни тайёргарлиги талаб этмайди. Чунки, Омбудсманнинг асосий фаолияти ҳам айнан халқаро умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларини таъминлашдан иборат.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) (бундан буён матнда Вакил деб юритилади) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар (бундан буён матнда ташкилотлар ва мансабдор шахслар деб юритилади) томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

**Учинчидан,** Омбудсман+ модели омбудсманга қўшимча мандатларни жорий этилишини талаб этмайди.

Ваҳоланки, Қонуннинг 20<sup>9</sup>-моддасига кўра Вакил қамоқда сақлаш жойларига мунтазам кириб туриш орқали қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради. Бу эса миллий қонунчиллигимизда ўз аксини топган бўлиб уни қайтадан қонунчиликка киритишимиз шарт эмас. Ушбу ҳолат эса янги механизм яратиб, уни такомиллаштиришдан кўра камроқ вақт сарфланишига олиб келади.

**Тўртинчидан,** “Омбудсман+” моделида қийноқларни олдини олишда вакиллик органи сифатида қаралиши фуқароларнинг бошқа органларга нисбатан ушбу органга ишончини юқорилига олиб келади. Қийноққа қарши превентив механизмни амалга оширувчи янги органни “халққа танитиш” муаммосидан озод этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида” қарорида Омбудсманга келиб тушган жами 18 738 та мурожаатнинг 16 559 таси фуқаролардан, 2 120 таси тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларидан ҳамда 59 таси хорижий давлатлардан бўлиб, мурожаатлар сони 2020 йилга (14 975 та) нисбатан 3 763 тага ёки 25 фоизга ошган.

Омбудсман томонидан парламент назорати субъекти сифатида 11 257 та мурожаат иш юритувиغا олиниб, уларнинг 2 517 таси ёки 23 фоизи ижобий ҳал қилинган, 6 160 та мурожаат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига юборилган. Қолган 1 321 та мурожаат бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилган.

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан 2021 йилда Омбудсман томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларига 36 та хулоса (2020 йилда 16 та), 14 та тақдимнома (2020 йилда 13 та) ҳамда судларга 44 та даъво аризаси (2020 йилда 11 та) киритилиб, таъсир чораларини қўллаш самарадорлиги 2020 йилга нисбатан 2,4 бараварга ошганлиги кўрсатилган.

**Бешинчидан,** Омбудсманнинг Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдорлиги “Омбудсман+” моделини танланишида мунтазам ушбу фаолиятнинг такомиллаштирилишига олиб келади.

Хусусан, юқоридаги қарорда жазони ижро этиш муассасалари ҳамда тергов ҳибсхоналарида маҳкумларга яратилган шарт-шароитларни ва уларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида мониторинг ташрифлари самарадорлигини ошириш, бунда, ушбу жойларда сақланаётган шахсларнинг муаммоларини ўрганиб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан мутасадди вазирлик ва идораларга тавсиялар киритиш ва минтақавий вакилларнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини

олиш бўйича фаолиятини кучайтириш вазифаси Сенат томонидан Омбудсманга юклатилган.

Булардан ташқари, юридик фанлар доктори В.В.Чуксина Омбудсман+ даструрини амалга оширилишида давлатлар тажрибасида бир қанча муаммолар вужудга келганини ҳам таъкидлаб, ушбу ҳолатни ушбу моделнинг камчиликлари сифатида баҳолайди.

**Биринчидан,** превентив механизмга жалб қилинадиган нодавлат ташкилотларда етарли даражада мутахассисларнинг мавжуд эмаслиги, уларни дастлаб давлат томонидан ўқитилишини ёки Омбудсман+ моделига қўшимча равишда ишчи гуруҳларга таълим берилишини талаб этилишига олиб келиши таъкидланади.

**Иккинчидан,** даҳлсизлик ҳуқуқини беришдаги муаммолар ҳам мавжудлиги таъкидланади. Чунки ишчи гуруҳларга даҳлсизлик ҳуқуқини берилиши бевосита Омбудсман фаолияти билан узвий боғлиқ бўлади.

**Учинчидан,** ушбу фаолият билан шуғулланиш ваколати берилган нодавлат ташкилотларнинг фаолиятини давлат ташкилоти, яъни Омбудсман+ томонидан чеканишига олиб келади.

**Тўртинчидан,** яна бир камчилик сифатида давлат органи ва жамоат ташкилотларининг бу даражада интеграциялашуви уларнинг аниқ бир позицияларини йўқлиги билан баҳоланади.

Чунки айнан бир функцияни давлатнинг ваколатли давлат органи амалга ошириши билан бирга ушбу ваколат жамоат ташкилотларига ҳам юкланади.

Бундан ташқари, МПМнинг вазифалари давлатда мавжуд бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича индивидуал орган - Омбудсманга емас, балки коллегиял орган - Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга юкланиши мумкин.

Ушбу ёндашувни Омбудсман+ моделининг ўзига хос модификацияси сифатида кўриш мумкин. Модификация ушбу моделни танлаган 39 та



хорижий давлатдан 9 тасида (Маврикий, Мали, Малдив ороллари, Марокаш, Мексика, Руанда, Того, Уругвай, Шри-Ланка) амал қилади<sup>64</sup>.

Масалан, Руандада инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий комиссия<sup>65</sup> жиноий дахлсизликка ега бўлган комиссарлардан иборат мустақил доимий органга камоқда сақлаш жойларида қийноқларга қарши туриш вазифаси юкланган. Унга Миллий комиссия доирасида давлат органлари вакиллари билан юридик жиҳатдан тенг мақомга ега бўлган жамоатчилик вакиллари киради.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олим В.Чуксинанинг фикрига кўра превентив механизмнинг ушбу модели асосан федератив давлатлар томонидан танланиши, бунда превентив механизмни амалга оширувчи бир нечта муассасаларнинг мавжудлиги билан ифодаланади.

Ҳуқуқшунос олим ушбу моделни Хиндистон мисолида таҳлил этиб берган бўлиб, унга кўра превентив механизмнинг ушбу моделининг танланиши федерациянинг алоҳида қонун ҳужжатлари мавжудлиги, муайян штатларда обмудсман фаолияти йўлга қўйилган бўсада бошқа штатларда ушбу фаолият мавжуд эмаслиги, шу сабабли давлат халқаро миқёсда обрўсини сақлаш ва халқаро ташкилотларнинг эътирозларини баратараф этиш учун инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия фаолиятини жорий этганлигини<sup>66</sup> ўз илмий ишида кўрсатиб берган.

Шунингдек, ҳинд қонунчилига кўра “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунга кўра "Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияси" Комиссия раиси ва аъзолари Хиндистон Президенти томонидан кўмита тавсиясига биноан тайинланади, унга қуйидагилар киради: Бош вазир (кўмита раиси); Парламент спикери (Лок Сабҳа); ички ишлар вазири; муҳолифат парламент

---

<sup>64</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси маълумоти.

<sup>65</sup> Закон «Об определении миссии, организации и функционирования Национальной комиссии по правам человека» // Law № 19/2013 of 25.03.2013 determining missions, organisation and functioning of the National Commission for Human Rights. URL: [http://www.cndp.org.rw/fileadmin/user\\_upload/Laws\\_NCHR\\_\\_\\_Integrated.pdf](http://www.cndp.org.rw/fileadmin/user_upload/Laws_NCHR___Integrated.pdf) (дата обращения: 27.11.2020).

<sup>66</sup> National Human Rights Commission, New Delhi, India. URL : <http://www.nhrc.nic.in/shrc.htm>. The Protection of Human Rights Act, 1993 (Amendment). Act, 2006, no. 43. URL : <http://www.nhrc.nic.in/shrc.htm>. Annual Report of the National Human Rights Commission 2008–2009. New Delhi, 2010. Pp. 20–21.

партияси раҳбари ва Давлатлар Кенгашидаги (Ража Сабҳа) муҳолифат етакчиси; Давлатлар кенгаши раисининг ўринбосари.

Шунингдек, бунга кўра комиссия таркибига судьялар ва собиқ судьяларни кириши алоҳида таъкидланган бўлиб, улар комиссия фаолиятида фуқаролик ҳуқуқий мақом асосида иш олиб боради.

Бундан ташқари, биз шуни кўришимиз мумкинки, Ҳиндистонда превентив механизм сифатида тергов қилиш функциясига эга бўлган давлат органининг иштироки мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бу эса халқаро экспертлар томонидан бериладиган тавсияларидан чекланишига олиб келиши мумкин.

Бироқ Ҳиндистон каби этник жиҳатдан ҳамда ижтимоий табақаланиш мавжуд (аҳолининг касталарга бўлинганлиги) бўлган мураккаб бошқарувли давлатда превентив механизмларни амалга оширувчи функциянинг бир давлат органи томонидан олиб борилишидан кўра марказлашмаган бир нечта орган томонидан ушбу функцияни олиб борилиши кўпроқ фойдали бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, ушбу моделнинг камчиликлари сифатида кўйидагиларни кўриб чиқиш мумкин.

**Биринчидан**, ушбу модел айнан бир хил функцияни амалга оширувчи бир нечта давлат органларининг мавжудлигини келтириб чиқаради.

**Иккинчидан**, унитар давлатлар бошқарувида превентив механизмнинг ушбу моделини танланиши превентив механизмнинг профессионализмни йўқотиши мумкин. Чунки, фақат қийноққа қарши превентив механизм сифатида фаолият олиб борувчи ташкилотнинг ташкил этиш ўрнига бошқа функцияларни ҳам амалга оширувчи ташкилотларнинг мавжудлиги ушбу фаолиятда марказлаштиришни йўқолишига олиб келади.

**Учинчидан**, ушбу механизм жамоатчиликни қийноққа қарши превентив механизм фаолиятига киритилишини чеклаб қўйиши мумкин, сабаби ушбу функцияни амалга оширувчи давлат органларининг кўплиги жамоатчиликнинг иштироки эҳтиёжини йўқотиб бериши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш кодексини тасдиқлаш тўғрисида” қонуни (қонун лойиҳаси<sup>67</sup>) тасдиқланса, бизнинг давлатда ҳам марказлашмаган коллегиял органлар фаолияти моделини айрим элементларини кўришимиз мумкин.

Хусусан, ушбу қонуннинг 39-моддасига кўра жазони ижро этиш тартиби ва шартларига риоя этилишини ҳамда маҳкумлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, шу жумладан уларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашни олдини олиш мақсадида жазони ижро этиш органлари (муассасалари) фаолияти назорат қилинади.

Ҳамда ушбу назорат турлари қуйидагиларга бўлинади:

- 1) идоравий назорат;
- 2) прокурор назорати;
- 3) суд назорати;
- 4) парламент назорати;

**5) қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг барвақт олдини олиш бўйича назорат.**

Айнан бешинчи назорат турини бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази зиммасига юклатилганлиги ҳамда ушбу ташкилотлар маҳкумлар сақланадиган жойларда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг барвақт олдини

---

<sup>67</sup> <https://project.gov.uz/>

олиш бўйича назоратни мониторинг ташрифлари орқали амалга ошириши белгиланган.

Давлатимизда ушбу тартибни ўрнатилиши миллий превентив механизмнинг икки моделини қоришмасини кўришимиз мумкин.

Ваҳоланки, Омбудсман томонидан (Омбудсман+ модели асосида) амалга ошириладиган превентив механизм ҳамда бир нечта марказлашмаган органлар томонидан превентив механизмларни амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки қийноққа қарши халқаро ҳужжатларда давлатлар ўз бошқарув хусусиятидан келиб чиқиб, превентив механизмнинг бир моделини ёки бир неча модели қоришмасини танлаши ва ушбу механизм орқали давлатда қийноқларни олдини олиш бўйича бир тизимни ярата олган бўлиши лозимлиги таъкидланган.

Ҳуқуқшунослар превентив механизмнинг модели сифатида қамоққа олиш жойларида шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган давлат органини (мансабдор шахсини) яратишни назарда тутувчи моделнинг мавжудлигини ҳам истисно этишмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз Ўзбекистон Республикаси учун “Омбудсман+” моделини танланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки ушбу моделни танланиши бюджет пулларини нисбатан тежалишига олиб келиши; инсон ҳуқуқларини таъминловчи асосий вакиллик орган сифатида Омбудсманга ушбу функцияни берилиши кўшимча ходимларни тайёргарлигини ҳамда омбудсманга кўшимча мандатларни жорий этилишини талаб этмаслиги; “Омбудсман+” моделида қийноқларни олдини олишда вакиллик органи сифатида қаралиши фуқароларнинг бошқа органларга нисбатан ушбу органга ишончини юқорилига олиб келиши туфайли бошқа моделлардан, хусусан, нисбатан амалга ошириш тартиби қийин бўлган Марказлашмаган коллегиял орган моделидан амалга ошириш тартиби соддалиги билан устунлик томонларга эга. Бундан ташқари Омбудсман+ моделини танланиши қийноққа қарши превентив механизмни амалга оширувчи янги органини “халққа танитиш” муаммосидан озод этади.

### 2.3. Қийноққа қарши халқаро превентив механизм

Қийноқларни олдини олиш бўйича халқаро ҳужжатларни қабул қилиниши, халқаро миқёсда қийноқларни олдини олиш бўйича чораларни кўрилиши дунё бўйлаб қийноқларни олдини олиш бўйича турли миллий превентив механизмларни яратилишига олиб келиши билан бирга, халқаро даражада қийноқларни олдини олиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларни вужудга келишига олиб келди.

Қийноққа қарши кураш амалиёти даставвал 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Геноцид жиноятларини олдини олиш ҳамда уларни жазолаш тўғрисидаги конвенциядан бошланган. Ушбу ҳужжатлар 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда 1984 йилдаги Қийноққа ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва кадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазо турларига қарши кураш тўғрисидаги конвенция ёрдамида тасдиқланди<sup>68</sup>.

Масалан, 1984 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 39/46 сонли резолюцияси билан Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенцияга мувофиқ ташкил этилган Қўмита, Қўшимча протолга кўра ташкил этилган Кичик қўмита, Қизил хоч жамияти (уруш вақтида) АРТ (халқаро нодавлат ташкилот) ва бошқа ташкилотлар бўлиши мумкин.

Хусусан, ҳозирги замонда халқаро ташкилотлари 2 та асосий турга бўлинади: халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ҳамда халқаро ноҳукумат ташкилотлар<sup>69</sup>. Ҳар иккаласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кундалик турмушнинг турли жабҳаларида давлатларнинг ўзаро мулоқотига кўмаклашади.

Қийноқларга қарши универсал халқаро механизмларга қуйидагилар киради:

<sup>68</sup> А.Саидов - Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси, дарслик, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012 й, 147-бет.

<sup>69</sup> Очилов Б.Е., Одилқориев Х.Т. Халқаро оммавий ҳуқуқ, ТДЮУ.Т:Адолат.2007. 185-б.

- 1985 йил қийноқларга оид масалаларни ўрганиб чиқиш учун тайинланган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиясининг маърузачиси;

- 1980 йил шахсларнинг мажбуран ёки ўз ихтиёрига қарши йўқолишига оид масалаларни ўрганиб чиқиш учун Комиссия томонидан тузилган Иш гуруҳи;

- Ўз мажлисларида мунтазам равишда “Ҳар қандай шаклда ушлаб олинган ёки қамаб олинган шахсларга тегишли инсон ҳуқуқлари бўйича масалаларни кўриб чиқадиган БМТнинг 2005 йилда ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши.

Шуни алоҳида такидлашимиз лозимки, 1984 йилдаги Конвенцияга мувофиқ ташкил этилган Қўмита қийноқларни олдини олишда халқаро даражадаги энг муҳим ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, ҳуқушунос олим К.Кристина<sup>70</sup> ушбу ташкилотнинг фаолиятига баҳо берар экан, унинг фикрига кўра БМТнинг Қийноқларга қарши Конвенцияси амалга оширилишида энг асосий халқаро универсал механизм сифатида БМТнинг Қийноқларга қарши Қўмитаси фаолиятига беқиёслилиги, чунки БМТ алоҳида аҳамиятга эга бўлган ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқар экан, у стандартларни фақат қоғозда кўрсатибгина қолмай, назорат қилувчи – Қийноққа қарши конвенциявий қўмитани ҳам ташкил этганлиги билан баҳолайди. Хусусан, бизнинг фикримизча, ушбу ташкилот қийноққа қарши курашишда ушбу соҳага ихтисослашганлиги, асосий вазифаси қийноқларни олдини олишга қаратилганлиги, уларнинг фаолияти ушбу соҳасага ихтисослашганлиги билан бошқа халқаро ташкилотлардан ажралиб туради.

Ваҳоланки, Конвенциянинг 19-моддаси қоидаларига мувофиқ, ҳар бир иштирокчи давлат Қўмитага БМТ Бош қотиби орқали ушбу Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун кўрган чоралари тўғрисида

---

<sup>70</sup> Christine Chanet. La Convention des Nations Unies contre la torture et autres peines ou traitements cruels, inhuman ou degradant. Annuaire français de droit international. 1984. Volume 30. Numero 1. pp-632

ҳисобот тақдим этади. Биринчи ҳисобот Конвенция тегишли давлат учун кучга киргандан кейин бир йил ичида тақдим этилиши керак; кейин барча янги ишланмалар бўйича қўшимча ҳисоботлар ҳар тўрт йилда бир марта тақдим этилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқшунос олима Г.Юлдашеванинг фикрига кўра<sup>71</sup> Қўмита ана шу маърузаларни ўрганиб чиқиш ҳамда тегишли изох ва хулосалари билан уларни қатнашчи давлатларга ва Бош Ассамблеяга юборишдан ташқари, махфий текширишлар ўтказиш ваколатига ҳам эга. Муайян қатнашчи давлат ҳудудида қийноқларга солиш мунтазам равишда қўлланилаётганлиги тўғрисида ишончли ахборот олган ёки хабар топган тақдирда, қўмита ана шу қатнашчи давлатнинг розилиги билан жойнинг ўзига бориб, текшириш ўтказиши мумкин.

Бизнинг фикрмизча, ушбу қўмитанинг ушбу фаолиятига қийноққа қарши превентив механизмни амалга оширувчи халқаро миқёсдаги фаолият сифатида баҳоланиши мумкин.

Ваҳоланки, бунда маълум маънода давлатларнинг Конвенция доирасида ўз мажбуриятларини бажарганлиги ҳолати текширилса, МПМ фаолиятида эса ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар ушлаб турилган шахслар жойларида сақлаб турилган шахсларнинг ҳуқуқи таъминланганлиги ҳолати текширилади. Конвенциянинг 20-моддасида агар Қўмита олган тўғри ахборотда, қайсидир иштирокчи давлат ҳудудида қийноқлар мунтазам қўлланилгани тўғрисида тўлиқ асосли маълумотлар бўлса, унда у ушбу иштирокчи давлатга шу ахборотни кўриб чиқишда ҳамкорлик қилишни ҳамда шу мақсадда ўзининг мазкур ахборотга нисбатан мулоҳазаларини билдиришни таклиф қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Қўмита томонидан қийноқлар юзасидан иштирокчи давлат томонидан тақдим этилган ҳисоботга ва тўпланган бошқа асосли ҳужжатларга асосан ўз кўрсатмаларини бериши мумкин.

---

<sup>71</sup> Юлдашева Г. Имплементация международно-правовых норм по правам человека в национальное законодательство Республики Узбекистан.: Автореф... дис.канд.юрид.наук. -Т.:ТДЮИ,2001.-24с.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз жоизки, бундай хабарлар тартиб-қоидаларга мувофиқ ариза берган иштирокчи давлат томонидан тақдим этилган ҳолдагина, қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши мумкин.

**Биринчидан,** агар қайсидир иштирокчи давлат бошқа иштирокчи давлат ушбу конвенция қоидаларини бажармаётир, деб ҳисобласа, унда бу ҳақда шу масала ҳақида кўрсатилган иштирокчи давлатга ёзма хабар қилиши мумкин. Шу хабарни олгандан кейин, уч ой мобайнида уни олган давлат ёзма равишда шундай хабар жўнатган давлатга тушунтириш ёки бошқа ариза тақдим қиладики, унда қанчалик мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлса, шу масала юзасидан қабул қилинган, қабул қилинадиган ёки қабул қилиниши мумкин бўлган ички тартиб ва тадбирлар кўрсатилиши лозим.

**Иккинчидан,** агар дастлабки хабар олган давлат томонидан олти ой мобайнида ушбу масала иккала тегишли иштирокчи давлат томонидан нисбий ҳол этилмаса, шу давлатлардан ҳар қайсиси бу масала ҳақида кўмитага хабар бериб, бу ҳақда кўмита ва бошқа давлатга билдириб қўйиши мумкин.

**Учинчидан,** кўмита унга ушбу моддага биноан, берилган масалани фақатгина у иложи бор ҳамма ички чоралар кўрилгани ҳамда мазкур ҳолда умум тан олинган халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ тугагани ҳақида ишонч ҳосил қилганидан сўнг қараб чиқади. Бу қоида шу тадбирларни кўллаш асоссиз чўзилиб кетган ёки конвенция бузилишининг қурбони бўлган шахсга самарали ёрдам кўрсатиши даргумон бўлган ҳолларда, ҳаракат қилмайди<sup>72</sup>.

Бундан ташқари, Кўмита тегишли иштирокчи давлат тақдим этадиган ҳар хил мулоҳазаларни, шунингдек унинг ихтиёридаги ишга алоқадор бошқа исталган ахборотларни ҳисобга олган ҳолда, агар у шуни мақсадга мувофиқ деб топса, махфий равишда текшириш ўтказиш ва Кўмитага шошилини

---

<sup>72</sup> Christine Chanet. La Convention des Nations Unies contre la torture et autres peines ou traitements cruels, inhuman ou dégradant. Annuaire français de droit international. 1984. Volume 30. Numéro 1. pp-634-635



равишда тегишли маърузани бериш учун ўзининг бир ёки бир неча аъзоларини тайинлаши мумкин.

Шунингдек, 1985 йил қийноқларга оид масалаларни ўрганиб чиқиш учун тайинланган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиясининг махсус маърузачиси қийноқларга қарши универсал халқаро механизмалардан бири ҳисобланади. Махсус маърузачи қийноқ билан боғлиқ масалалар бўйича текширув ўтказди. Махсус маърузачининг ҳисоботи БМТ та аъзо барча мамлакатларга, ушбу Конвенция давлатлар томонидан ратификация қилинган, қилинмаганидан қатъий назар жўнатилади.<sup>73</sup>

Махсус маърузачининг ваколатларига ҳукуматлар, давлат ва нодавлат ташкилотлардан тўғри ва холис маълумотлар олиш; шахслардан қийноқ ёки тақиқланган муомала қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳолатни аниқлаш мақсадида давлатларга тезкор шикоятларни йўналтириш; давлатларга қийноқ ёки тақиқланган муомала қўлланилганлик ҳолати бўйича кўрилган чоралар яъни ҳуқуқий ва маъмурий чоралар тўғрисида, шунингдек кейинчалик бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича давлатлар кўраётган чоралар ҳақида маълумотлар олиш; ҳар йили БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиясига ва Бош Ассамблеяга ҳисобот топшириш киради.

Бундан ташқари, Қийноқлар ва бошқа ғайриинсоний, шафқатсиз ҳамда инсон қадрини ерга урадиган муомала ва жазо турларига қарши конвенцияга доир Факультатив протокол 2002 йил 18 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган бўлиб ушбу протоколга асосан асосий функцианал вазифаси давлатларда қийноқларни олдини олиш фаолияти билан шуғулланувчи Кичик Қўмита ташкил этилди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу қўмитага 2021 йил декабрь ойи ҳолатига кўра 91 та давлат қўшимча протоколнинг иштирокчиси ҳисобланиб, 13 давлат томонидан ушбу

---

<sup>73</sup> PROTOCOLE D'ISTANBUL. Manuel pour enquêter efficacement sur la torture et autres peines ou traitements cruels, inhumains ou dégradants. Série sur la formation professionnelle N°8. Nations Unies. Genève, 2005. p-16

протокол имзоланган. Латвия 2021 йил декабрь ойида ушбу протоколга қўшилган<sup>74</sup>.

Халқаро орган ҳисобланган кичик қўмита аъзолари ўз вазифаларини шахсан ижро этиб, юқори маънавий хислатларга эга ва адолатли судлов, хусусан, пенитенциар маъмурият ёки полиция маҳкамаси ёки озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг аҳволи билан боғлиқ тиббиёт масалалари ёхуд инсон ҳуқуқлари соҳасида касбий маҳорати тан олинган шахслардан сайланади. Кичик қўмитанинг асосий вазифаси иштирокчи давлатлар ҳудудида озодликдан маҳрум этиш жойларини бориб кўриш мақсадида миссиялар ўтказишдан иборат бўлади.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциясига Факультатив баённома қоидаларига кўра давлатлар ўз зиммаларига миссиялар томонидан ўз юрисдикциялари остида бўлган, давлат органи буйруғига ёки кўрсатмасига кўра ёхуд унинг розилиги билан у ёки бу сабабга кўра озодликдан маҳрум этилган шахслар ушлаб турилган ҳар қандай жойларни кўриш мажбуриятини олади .

Миссиялар делегациялар томонидан камида кичик қўмитанинг икки аъзоси ва экспертлар (врачлар, судмедэкспертлар ва шу каби), шунингдек, таржимонлар иштирокида амалга оширилади. Делегацияларга иштирокчи давлатлар ҳудудларида ҳар қандай озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлишга рухсат берилиши, озодликдан маҳрум этилган ҳар қандай шахс билан кўришишга рухсат этилиши лозим.

Ваҳоланки, Қўшимча протоколнинг 11-моддасида кичик қўмига қийноқларни олдини олиш бўйича учта асосий вазифани амалга ошириши мумкинлиги кўртасилган.

---

<sup>74</sup> [https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CAT%2fC%2f73%2f2&Lang=en](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CAT%2fC%2f73%2f2&Lang=en)

**Биринчидан,** миллий превентив механизмлар каби ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга тўсиқларсиз ташриф буюра олиш функцияси.

**Иккинчидан,** МПМлар билан ошкора ва махфий алоқаларни ўрнатиш ваколати.

**Учинчидан,** Халқаро ташкилотлар билан қийноқларни олдини олиш бўйича ҳамкорликни ташкил этиш ва ривожлантириш.

Хусусан, ушбу моддага кўра Кичик қўмита мазкур протоколнинг 4-моддасида кўрсатилган жойларга ташриф буюради ва иштирокчи-давлатларга озодликдан маҳрум этилган шахсларни қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолардан ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар беради.

Демак, агар Ўзбекистон Республикаси томонидан ушбу протоколга қўшилиш давлатга Кичик Қўмитага ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга ташрифи бўйича ваколатни Кичик Қўмитага берилишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари миллий профилактика механизмлари бўйича:

- зарур ҳолларда иштирокчи-давлатларга бундай механизмларни яратишда маслаҳат беради ва ёрдам беради;

- миллий профилактика механизмлари билан тўғридан-тўғри, агар керак бўлса, махфий алоқаларни сақлаш ва уларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш учун уларга ўқитиш ва техник ёрдам хизматларини таклиф қилиш;

- озодликдан маҳрум этилган шахсларни қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолардан ҳимоя қилишни кучайтириш учун зарур бўлган эҳтиёжлар ва чораларни баҳолашда маслаҳат бериш ва уларга ёрдам бериш;

- қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларининг олдини олиш бўйича миллий

профилактик механизмларнинг салоҳияти ва ваколатларини кучайтириш мақсадида иштирокчи давлатларга тавсиялар ва кузатишлар беради.

Бундан ташқари Қўшимча Қўмита ушбу моддага кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли органлари ва механизмлари, шунингдек, барча шахсларни қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомалалардан ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган халқаро, минтақавий ва миллий институтлар ёки ташкилотлар билан умуман қийноқларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олган.

Ушбу борада АПТнинг юридик маслаҳатчиси Метт Полларднинг фикрига кўра Кичик қўмита (ҚК) қийноқларни олдини олиш бўйича асосий вазифаси миллий превентив механизмлар билан алоқани мустаҳкамлаш лозимлигига урғу бериши кераклигини таъкидлайди<sup>75</sup>.

Бизнинг фикримизча, ҳам ҚКнинг қийноқларни олдини олиш бўйича асосий фаолияти бу ташрифлар билан белгиланиши керак эмас. Чунки ташрифлар функцияси миллий превентив механизмлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бироқ ушбу ҳолат ҚКдан халқаро миқёсда ОПКАТни ратификация қилган давлатларда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга ташриф ҳуқуқини чекламаслиги лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари ОПКАТнинг 12-моддасида Кичик қўмитага 11-моддада кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлатлар Кичик қўмитани ўз ҳудудида жойлаштириш ҳамда унга ушбу Протоколнинг 4-моддасида кўрсатилган қамоқхоналарга киришига рухсат бериш;

Озодликдан маҳрум қилинган шахсларни қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолардан ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича кўрилиши лозим бўлган

---

<sup>75</sup> Establishment and Designation of National Preventive Mechanisms Published by the Association for the Prevention of Torture, October 2006, Geneva 2 Switzerland

эҳтиёжлар ва чораларни баҳолаш мақсадида ҚҚ сўраши мумкин бўлган барча тегишли маълумотларни тақдим этиш;

**ҚҚ ва миллий профилактика механизмлари ўртасидаги алоқаларни рағбатлантириш ва энгиллаштириш;**

ҚҚ тавсияларини ўрганиш ва амалга оширишнинг мумкин бўлган чоратadbирлари бўйича у билан алоқаларни ўрнатиш мажбуриятини олади.

Бунда АПТ томонидан берилган фикрга кўра ушбу моддада ҚҚ қийноққа қарши фаолиятини ошириш учун МПМлар билан алоқаларни ривожлантириш лозимлиги тўғрисида тавсиялар берилган.

Хусусан, Ушбу моддалар (ОПКАТ 11-моддаси ва 12-моддаси) миллий ва халқаро органларга қийноқлар ва шафқатсиз муносабатнинг бошқа шакллари олдани олиш усуллари ва стратегиялари тажриба алмашиш имконини беради. Шу сабабли, Кичик қўмита ва миллий превентив механизмлар, агар керак бўлса, махфий асосда учрашиши ва маълумот алмашиши мумкин. Миллий превентив механизмлари ўзларининг ҳисоботларини ва бошқа ҳар қандай маълумотларни халқаро механизмга ўзаро ва юборишлари мумкин.

Ушбу муносабатларнинг яна бир муҳим жиҳати Кичик қўмита иштирокчи давлатларга МПМлар бўйича ёрдам ва маслаҳатлар бериш имкониятидир. Шу сабабли, 11-моддага мувофиқ, ОПКАТ иштирокчи-давлатларга миллий механизмларни яратиш бўйича маслаҳатлар бериш ва уларнинг қийноқлар ва шафқатсиз муносабатнинг бошқа шакллари олдани олиш салоҳиятини кучайтириш бўйича тавсиялар бериш ваколатига эга.

Шунингдек, ҚҚ МПМларга уларнинг салоҳиятини ошириш мақсадида ўқитиш ва техник ёрдам кўрсатишни ҳам тақлиф қилиши мумкин. Кичик қўмита, шунингдек, озодликдан маҳрум этилган шахсларни ҳимоя қилишни яхшилаш учун зарур бўлган эҳтиёжлар ва воситаларни баҳолашда уларга маслаҳат бериши ва ёрдам бериши мумкин.

Ушбу моддалар мазмунидан кўринадики, халқаро превентив механизмлар функцияси ҳам тақриф буюриш, таълим ва тавсиялар бериш,

шунингдек, МПМ ва бошқа ташкилотлар билан қийноқларни олдини олиш бўйича ҳамкорлик қилиш каби функцияларга бўлишини мумкин.

Шунингдек, Метт Поллард ҚҚнинг халқаро миқёсда қийноқларни олдини олиш борасида самарадорлигини оширишда ҳамкорлик қилиш функциясига жиддий эътибор берган.

Унинг фикрига кўра ҚҚ ушбу функцияси орқали МПМларнинг ижобий тажрибасини дунёга кенг тарқатиш орқали миллий превентив механизмлар фаолиятини яхшилаб, қийноқларни олдини олишига кўмак бериши лозимлигини таъкидлайди.

Ушбу вазифани эса ҚҚ ва МПМлар ўртасида доимий тўғридан-тўғри, очик ва махфий алоқалар ўрнатилиши орқали эришиш лозимлигига эътибор қаратади.

Шу билан бирга шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, ушбу протоколга Ўзбекистон Республикасини қўшилиши Омбудсманга Кичик кўмита билан ҳуқуқий алоқаларни ўрнатиш заруратини вужудга келтиради.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармонида давлатимизни ривожлантириш борасида йўл харитасида қийноққа қарши халқаро конвенцияларни ратификация қилиш бўйича кўрсатмалар берилган.

Хусусан, ОПКАТ ҳозирда ушбу соҳадаги асосий халқаро ҳужжат эканлигини инобатга оладиган бўлсак, энг асосий йўналиш ушбу халқаро ҳужжатни ратификация қилинишига қаратилади. Ушбу ҳужжатни ратификация қилиниши эса превентив механизм ва Кичик кўмита ўртасида муносабатларни йўлга қўйилишига сабаб бўлади.

Шунингдек, шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, қийноқларни олдини олиш бўйича халқаро ташрифлар сони 2021 йилга келиб 96 тани ташкил этганлиги, бунда Сабо Вверди ва Шри-Ланкага давлатнинг ҳамда МПМларнинг талабларига кўра қўшимча ташрифлар амалга оширилганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари 63 та давлатга нисбатан ташрифлар уларнинг ҳамда МПМларнинг розилигига кўра оммавий эълон қилинганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари ўтган йил давомида давлатларга берилган кўрсатмалар юзасидан 50 та жавоблар олинганлиги ҳамда шулардан 39 таси эълон қилинганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, Конго Демократик Республикаси, Мўғилистон, Нигерия ва бошқа ОПКАТга аъзо, бироқ МПМлар фаолияти йўлга қўйилмаган давлатларнинг фаолияти танқидий баҳоланган.

Шу билан бирга шуни алоҳида таъкидлашимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.06.2021 йилдаги 6312-сонли Фармонида 2021 йил декабрь ойига қадар ҳамда 28.01.2022 йилдаги 60-сонли “Тараққиётлар стратегияси” да белгилаб берилган йўналишларда Ўзбекистон Республикаси ОПКАТга аъзо бўлиши юзасидан керакли чоралар кўриши лозимлиги кўрсатилган.

Шу билан бирга, Қийноққа қарши қўмитанинг 2020 йилдаги тавсияларида Ўзбекистон Республикасида МПМлар фаолияти йўлга қўйилганлиги юксак баҳоланиши билан бирга, давлатнинг ОПКАТга аъзо бўлмаганлиги танқидий баҳоланганлиги, Ўзбекистон Республикасининг ОПКАТга аъзо бўлиши давлатнинг халқаро мажбуриятига айланганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, қўшимча протоколга Ўзбекистон Республикасининг аъзо бўлиши қуйидагича ўзининг устунлик тарафларига эга бўлади деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, давлатнинг халқаро майдонда ўз мажбуриятини амалга оширилишига олиб келади.

Иккинчидан, ОПКАТга аъзолик давлатимизда қийноққа қарши халқаро превентив механизмнинг вужудга келишига олиб келиши қийноққа қарши курашнинг самарадорлигини оширади.

Учинчидан, миллий превентив механизмнинг доимий равишда ривожланиши учун шароит яратиб беради.

Ушбу ташкилотлардан ташқари бизга маълумки қийноқларни олдини олиш бўйича АПТ (Association for the Prevention of Torture) халқаро нодавлат ташкилоти бўлиб, 1977 йил айнан қийноқларни олдини олиш учун ташкил этилган ва асосий органи Женевада, Швецарияда жойлашган.

Шунингдек, ушбу ташкилот дастлабки превентив механизмларни ҳуқуқий кўриниши сифатида қаралиб, халқаро превентив механизмни амалга оширишда ўрни бекиёсдир.

Ваҳоланки, АПТ томонидан миллий ва халқаро превентив механизмларни яратиш бўйича қўлланмалар тузиб чиқилгани ҳамда ушбу фаолиятни амалга оширилишида БМТ билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилганлиги билан кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари ушбу ташкилотнинг ўзига хослиги шундан иборатки, дунё бўйлаб МПМлар вужудга келиши ғоясини тарқатганлигидадир. Ваҳоланки, ҳозирда ҳам ушбу ташкилот томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар қийноқларни олдини олиш бўйича тавсиялар халқара амалиётда кенг тарқалмоқда.

Шу билан бирга, Халқаро қизил хоч кўмитасининг фаолияти халқаро қийноқларга қарши фаолиятни қамраб олади.

Қизил Хоч кўмитаси фаолиятига келадиган бўлсак, у ноҳукумат ташкилот сифатида ўз фаолиятида инсонпарварлик, дахлсизлик, мустақиллик ва кўнгиллилик принципларига таянади. У турли соҳаларда давлатларнинг ўзаро муносабатларига катта ҳисса қўшади. Женева конвенциясига иштирокчи давлатлар ўртасида қуролли тўқнашув содир бўлган тақдирда, Халқаро Қизил Хоч Кўмитаси ҳибсда сақланаётган харбийлар, уруш асирлари сақланаётган жойларни кўриб, уруш қурбонларига ёрдам ва химоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади<sup>76</sup>. Қизил хоч кўмитаси делегацияси жазони ижро этиш муассасаларига маҳбуслар сақланаётган жойларни, уларнинг моддий шароитлари, руҳий аҳволлари,

---

<sup>76</sup> C.Foley. CombatingTorture.A Manual for Judges and Prosecutors. Great Britain.Human Rights Centre,University of Essex , 2003,P.22



шунингдек уларга нисбатан қўлланилаётган қийноқ ҳарактлари ҳақида маълумот олгани ташриф буюрадилар. Уларнинг ташриф ва учрашув муддатлари чекланмаган. Улар маҳбуслар билан ҳеч қандай гувоҳларсиз суҳбат кура оладилар<sup>77</sup>.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 03.09.1993 йилдаги 946 II-сонли “Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияларига ҳамда халқаро тусдаги ва халқаро бўлмаган тусдаги қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияларига доир қўшимча протоколларга қўшилиш ҳақида” қарорига кўра Ўзбекистон Женева конвенцияларига доир қўшимча протоколларга қўшилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу ташкилот вазифаси асосан уруш вақтида кучга киришни бошлайди ва ушбу ҳолат содир бўлган тақдирда ишлашни бошлайди.

Ушбу параграф бўйича қисқача қуйидагича хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Қийноққа қарши қўмита ўз фаолиятини ташкил этиш борасида дастлаб аъзо давлатларнинг даврий маърузаларини қабул қилиб олади ва бу борасида ўзининг тавсияларини беради. Иккинчидан, қийноқлар борасида мурожаатларни кўриб чиқиб, бу тўғрисида тегишли қарор қабул қилади. Учинчидан, учинчи давлатлар томонидан тақим этилган ишончли маълумотлар асосида аъзо давлатларнинг Конвенция доирасида мажбуриятларини бажарганлик ҳолати юзасидан тавсиялар беради. Шунингдек, махсус маърузачиларни аъзо давлатларга юборди ва қийноқларни олдини олиш борасида муайян чораларни амалга оширилиши юзасидан масъул маърузачи аъзо давлатга ўз тавсияларини беради. Бироқ ушбу ҳолатлардан кўриниб турибдики, Қийноққа қарши Қўмитанинг асосий вазифаси қийноқ содир этилгандан кейин бошланиши сабабли (чунки тавсияларни бажарилмаслиги, мурожаатлар ва бошқа давлатлар томонидан бериладиган ахборотларнинг берилиши бу қийноқ содир этилганлигини

---

<sup>77</sup> ICRC policy on torture and cruel, inhuman or degrading treatment inflicted on persons deprived liberty. International review of the Red Cross. Volume 93.Number 882, June 2011, P-551.

англатади) Қичик Қўмита ташкил этилган бўлиб, ушбу қўмита эса бевосита фаолияти қийноқларни олдини олишга қаратилганлиги, бевосита экспертлар гуруҳи билан биргаликда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланаётган жойларга ташри буюрилади ва қийноқларни олдини олиш бўйича самарали ишлар амалга оширилади.

## ХУЛОСА

Илмий адабиётлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили ҳамда амалиётни ўрганиш ва таҳлил қилиш қилиш натижаси бўйича қуйидаги хулосага келинди:

**Биринчидан**, қийноққа қарши превентив механизм бу ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда қийноқларни олдини олиш бўйича ваколатлари ташкилот (ташкилотларнинг) ташриф буюриши, бу борасида ўз тавсияларини бериши ва бошқа чораларни кўриши билан боғлиқ комплекс фаолиятлар жамланмаси ҳисобланади.

**Иккинчидан**, халқаро тажрибадан ва юридик олимларнинг фикрига кўра қийноққа қарши превентив механизмларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноят ишларини тергов қилиш ва жиноят ишларини тергов қилувчи органларга таъсир ўтказувчи қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлмаслиги шартлиги тўғрисида икки муҳим хусусиятнинг мавжудлиги сабабли прокуратура органлар фаолиятига қийноққа қарши превентив механизмни амалга оширувчи ташкилот сифатида қаралмаслиги лозимлиги тўғрисида хулосага келинди.

**Учинчидан**, халқаро амалиётдан кўринадик, қийноққа қарши превентив механизмларни қуйидаги кенг тарқалган тўртта асосий модели мавжуд бўлиб, уларга: Омбудсман модели, “Омбудсман+” модели “Марказлашмаган коллегиял орган” модели ва “Ихтисослаштирилган давлат органи (мансабдор шахс)” модели киради.

### ***Қонунчиликка бериладиган таклифлар***

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг «Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенцияси Факультатив протоколи»га (Нью-Йорк, 2002 йил 18 декабрь) ротификация қилиниши лозим.

Шунингдек, давлатимиз томонидан ушбу Конвенцияни ротификация қилиниши натижасида қуйидагилар билан асосланади.

- давлатнинг халқаро майдонда ўз мажбуриятини амалга оширилишига олиб келиши;
- ОПКАТга аъзолик давлатимизда қийноққа қарши халқаро превентив механизмнинг вужудга келишига олиб келиши қийноққа қарши курашнинг самарадорлигини ошириши;
- миллий превентив механизмнинг доимий равишда ривожланиши учун шароит яратиб бериши.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун МЖТКнинг 197<sup>4</sup>-моддасида мансабдор шахсларга жавобгарлик масаласи белгиланган. Экспертлар гуруҳи томонидан Омбудсманнинг ушбу фаолияти амалга оширилганлиги сабабли ҳамда экспертлар гуруҳи кафолатларини таъминлаш учун МЖТК 197<sup>4</sup>-моддасининг биринчи қисми қуйидагича жумла билан тўлдирилиши лозим:

*“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)” сўзларидан кейин “шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан қийноқларни олдини олиш бўйича ташкил этиладиган Экспертлар ҳамда жамоатчилик гуруҳи” сўзлари билан тўлдирилиши лозим.*

**Учинчидан,** Қийноққа Қарши қўмига берилган ҳисобот бўйича 2020 йилда Қўмига томонидан превентив механизмларни амалга ошириш борасида вакилнинг ваколат муддатини тугатилиши жамоатчилик гуруҳлари ҳамда экспертлар гуруҳининг мустақиллигига таъсир ўтказмаслиги тўғрисида Қонуннинг 20<sup>9</sup>-моддасига қуйидаги қўшимча киритилиши лозим:

*Жамоатчилик гуруҳи ва экспертлар гуруҳига қийноққа қарши превентив механизмни амалга ошириш ваколатлар Вакилнинг ваколатлари тугаши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши натижасида бекор бўлмайди.*

қонунчиликка ўзгартириш киритилиши, қийноққа қарши давлат томонидан Конвенсия талабларига мос раившда тегишли чораларни кўрилганлигини аниқлатади.

*Тўртинчидан*, 24.12.2021 йилдаги Олий Мажлис палаталарининг кўшма қарорига кўра тасдиқланган низомга экспертлар гуруҳини ваколатлари, МПМнинг аъзолигига кириш ва аъзолигидан чиқариб юборилиши тартибини назарда тутувчи норма киритиши таклиф этилади.

Хусусан, 2010 йилнинг 15-19 ноябрь кунлари Женевада ўтказилган “Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган бошқа турлари бўйича кичик кўмита ўн иккинчи сессиясида” миллий превентив механизмларга тегишли “қийноқни олдини олишга оид миллий превентив механизм мандати ва ваколатлари конституциявий ва қонунчилик ҳужжатларида аниқ баён этилиши керак”лиги, “тегишли қонунчиликда МПМ аъзоси/аъзолари ваколатининг муддати ўрнатилиши ҳамда улар бўшатилишининг ҳар қандай асослари баён этилиши кераклиги тўғрисида раҳбарий тамойилнинг мавжудлиги, келажақда Ўзбекистон Республикасини ОПКАТни ратификация қилиши эҳтимоли юқорилиги, кейинчалик ушбу ҳолатни халқаро ташкилот томонидан танқидий баҳоланишини вужудга келтиришидан ҳоли этади.

## Фойдаланилган адабиётлар

### I. Раҳбарий адабиётлар

1.1. Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи 2016 йил 8 декабр.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги “Конституция – еркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий еттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли маърузаси.

### I. Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қонуности ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Т.: Ўзбекистон, 2022. –72 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (эски тахрир). 1992 йил 9 декабрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 29-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-Процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (янги тахрир). 2000 йил 14 декабрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги тахрир). 2001 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига

Ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. 2007 йил 11 июль.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйча вакили (Омбудсман) тўғрисида” ги Қонуни. (янги таҳрир) 2004 йил 28 август // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-сон, 421-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил 3 декабрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят ишини юритиш чоғида камокда сақлаш тўғрисида” ги Қонуни. 2011 йил 5 октябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 409-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида” ги Фармони. 2005 йил 2 апрель. // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами” 2005 й., 14-сон.

12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. 1997 йил 25 апрель. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда

13. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлиги тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й. 3/22/770/0424-сон

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.06.2021 йилдаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5163-сонли қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.06.2021 й., 07/21/5163/0600-сон.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.09.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6312-сонли Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.09.2021 й., 06/21/6312/0864-сон;
17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 24.12.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги”ги 1690-VI-сонли қўшма қарори.

## **II. Асосий адабиётлар**

1. А.Саидов ва бошқалар. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси.- Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.-304 б.
2. Х.Т.Одилқориев, Ў.Х.Мухамедов, Б.А.Саидов. Конституциявий ҳуқуқ, Дарслик. Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.2014. -661 б.
3. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти:инсонийлик мезоналари соҳасидаги мажбуриятлар/ Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. Т.:Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012. -368 б.
4. Каримов Х.А., Қийноқларга қарши курашишга оид халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик ҳамда жиноий жавобгарлик масалалари; ўқув қўлланма / Т. “Effect-D” 2022.-92 б.



5. Каримов Х.А., Қийноққа солишга қарши кураш// Ҳуқуқ ва бурч журнали, 2021 й.,-№5.

6. Каримов Х.А., Қийноққа қарши курашишга оид халқаро нормаларни имплементация қилиш масалалари, Академия ахборотномаси, 2020 йил-№4.

7. Каримов Х.А., Миллий қонунчиликда қийноққа солганлик учун жавобгарлик., //ТДЮИ Ахборотномаси, Илмий-назарий нашр, 2010 йил.

8. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция ва Қийноқларга қарши БМТ Қўмитасининг умумий тартибдаги мулоҳазалари:ҳужжатлар тўплами. Э.Эрназаров, И.Саипов, О.Ахмадов.- Тошкент.:Baktria press, 2014. -144 б.

9. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар:тўплам/- Т.:Адолат.2004.520-б.

10. Б.И.Исмоилов. “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз,инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенциянинг моҳияти”.Махсус курси бўйича маъруза матни. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш Маркази. 2013. -64 бет.

11. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. –Т.: TDYI nashriyoti. 2006. -529 б.

12. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: Ғ.А.Абдумажидов.Т.:ТДЮИ, 2009.-565 б.

13. Саидов А.Х., Султонов С.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент. Адолат,1998. –247б.

14. Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органлари фаолияти .Маърузалар курси. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов.-Т.:ИИВА,2014.-127 б.

15. Б.Б.Саломов.Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг суд томонидан қўлланишида адвокатнинг иштироки.Ўз.РФА ."Фан".2008 й. -301.

16. Ф.Эшматова, Ўзбекистон Республикасининг петициар тизимини такомиллаштирилиши: қонунчилик ва амалиёт, Тошкент 2021 йил, 205 бет

17. Юлдашева Г., Гафурова Н.Э, Борсиева З.Х. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик.-Т.:2014.-272 б.

18. Сабаева С. В., Гуляев Д. Е., Поиск оптимальной модели национального превентивного механизма для Российской Федерации, Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА), 4/2021 год, стр 204.

19. Москалькова Т. Н. Институт уполномоченных по правам человека в государственном механизме России // Административное право и процесс. – 2018. – № 12. – С. 52–59.

20. PREVENTING TORTURE: THE ROLE OF NATIONAL PREVENTIVE MECHANISMS – A PRACTICAL GUIDE Office of the United Nations High Commissioner for Human Rights Palais des Nations CH 1211 Geneva – Switzerland.

21. Федосеева Г.Ю. Уголовная юстиция-защита прав человека: Россия и человеческое измерение.-М.:ИНФРА,1999.-С.486.

22. А.Х.Саидов. Образование в области прав человека:национальный и зарубежный опыт. Т.:SMI ASIA,2011.-С.200.

23. А.Б.Гафуров. Международные стандарты адвокатской деятельности. Пособие.-Т.: Vaktria press, 2014.С-240

24. Алимов К.З.Международное право.Т:Университет.2014.С-392.

25. Human Rights and Prisons. Manual on Human Rights Training for Prison Officials.United Nations. New York and Geneva. 2005.P.222

26. J. Herman Burgers and H. Danelius, The United Nations Convention against Torture. A Handbook on the Convention against Torture and Other Cruel, Inhuman or Degrading Treatment or Punishment, Dordrecht, Martinus Nijhoff Publishers, 1988.P.283.

27. Optional Protocol to the United Nations Convention against Torture and Other Cruel Inhuman or Degrading Treatment or Punishment: A manual for Prevention.IIHR, APT.2005.P.242

28. OSCE HUMAN DIMENSION COMMITMENTS. Warsaw.OSCE/ODIHR.2005.P.325

29. L.Wendland. A Handbook on State Obligations under UN Convention against Torture. Geneva.May 2002. P.94
30. N.Rodley. “The Treatment of prisoners under International Law.”2 ed.,Oxford, 2009, P.564.
31. Chris Ingelse. “The UN Committee against Torture-An Assesment” Kluwer Law International, 2001. P.469.
32. Promoting the right to reparation for survivors of torture: What role for a permanent international criminal court?.REDRESS.London,1997.
33. C.Foley.Combating Torture. A Manual for Judges and Prosecutors.Great Britain.Human Rights Centre,University of Essex ,2003,P.152.
34. S. Joseph, K.Mitchel, L. Gyorki, C.Benninger-Budel. QUELS RECOURS POR LES VICTIMES DE LA TORTURE? Collection des Guides juridiques de l’OMCT.Vol.4.OMCT.Genève.2014. P.509.
35. Preventing Torture: An Operational Guide for National Human Rights Institutions .OHCHR. May 2010.P-128.
36. Act on Penal Detention Facilities and Treatment of Inmates and Detainees.Article 8. <http://www.cas.go.jp>
37. Code Penal. France <http://codes.droit.org/cod/penal.pdf>

#### **IV.Даврий нашрлар, статистик маълумотлар ва ҳисоботлар**

1. Б.И. Исмаилов Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти. Рисола– Т.: ТДЮИ Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази, 2012. 60-бет.
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 1978 йил 18 январдаги *Ireland v United Kingdom* иши бўйича Қарори. // Berger V. Op. cit. S. 84-85.
3. Мустафоев Б. Ҳар бир шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш – бош мезон. //Ҳуқуқ ва бурч 2010.№2. 6 – б.
4. Юридик энциклопедия. – Тошкент. Шарқ, 2001. - 184 б.

5. Х.Одилқориев Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантиришда халқаро тажрибанинг аҳамияти //“Халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалалари”. Илмий-амалий конференция материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Т.: 2007.- 342 б.

6. Нуров И. Мақсадимиз қонун устуворлигини таъминлаш.//Ҳуқуқ ва бурч.2012. №2.-Б.26-28.

7. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олиш ва аниқлаш мақсадида амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза. Тошкент 2022. 11-бет

8. Б.Пўлатов. Қийноқ — ижтимоий хавфли ҳодиса. *Huquq va burch* май-2010

9. У.Мамажонов.Қадр-қимматни камситишга доир халқаро ҳужжатлар. [www.huquq-gazeta.uz](http://www.huquq-gazeta.uz). 13.06.2013.

10. Сборник стандартов и норм ООН в области предупреждения преступности и уголовного правосудия. Нью-Йорк, ООН 2012, С. 446.

11. Т.Бюргенталь. Международные права человека. Алматы.:ҒЫЛЫМ.1999.-352.

12. Саидов А.Х.,Бакаева Ф.Х., Тиллабаев М.А. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 2011 году.Т.:НЦПЧ. 2012, С.408.

13. I.Cherneva. The drafting History of Article 2 of the Convention Against Torture. *Essex human Rights Review*; Vol.9.No.1.June 2012 P-1-16.

14. *Mutombo v. Switzerland*, Communication No. 13/1993, U.N. Doc. A/49/44 at 45 (1994). University of Minesota. Human Right Library.

15. *Halimi-Nedzibi v. Austria* Communication No. 8/1991 18 November 1993 CAT/C/11/D/8/1991

16. Matthew Lippman, The Development and Drafting of the United Nations Convention Against Torture and Other Cruel Inhuman or Degrading Treatment or Punishment, 7 B.C. Int'l & Comp. L. Rev. (1994) P.275-334

17. O.V.Rasmussen. The medical aspects of the UN Convention against Torture. Torture Volume 16, Number 1, 2006. P.58-64.

18. Christine Chanet. La Convention des Nations Unies contre la torture et autres peines ou traitements cruels, inhuman ou dégradant. Annuaire français de droit international. 1984. Volume 30. Numero 1. pp-625-636.

19. PROTOCOLE D'ISTANBUL. Manuel pour enquêter efficacement sur la torture et autres peines ou traitements cruels, inhumains ou dégradants. Série sur la formation professionnelle N°8. Nations Unies. Genève, 2005. p-96.

20. The fight against Torture. The OSCE Experience. OSCE. ODIHR 2009. P-57.

21. ICRC policy on torture and cruel, inhuman or degrading treatment inflicted on persons deprived liberty. International review of the Red Cross. Volume 93. Number 882, June 2011, P-547-562.

22. US report in CAT /C/USA/3-54 December 2013.

23. M.J.Garcia. The UN Convention against Torture: Overview of US Implementation Policy Concerning the removal of aliens. 21/01/2009. Congressional Research Service. P-8-16. www.crs.gov

### **III. Диссертациялар**

1. Исмаилов Б.И. Международные стандарты в области личных прав и свобод человека и национальное законодательство Республики Узбекистан (Проблемы взаимодействия и имплементации).: Автореферат дис. док. юрид. наук.-Т.: УМЭД, 2007.-344 б.

2. Саттаров А. Х. Инсон ҳуқуқлари назарияси ва ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фанлар доктори ... дисс. автореф. – Т., 2003. – 350 б.

3. Юлдашева Г. Имплементация международно-правовых норм по правам человека в национальное законодательство Республики Узбекистан.: Автореф...дис. канд. юрид. наук. - Т.:ТДЮИ,2001.-154 б.

4. Бедилова Д.Д. - “БМТнинг Қийноқларга қарши Конвенциясининг Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиниши ва амалга оширилиши”, диссертация, ТДЮУ, Тошкент-2016, 87-бет

#### **IV. Интернет сайтлари**

5.1. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси

5.2. [www.stat.u](http://www.stat.u) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти

5.3. <https://stat.sud.uz> – Олий суд сайти

5.4. <https://prokuratura.uz> – Бош прокуратура расмий сайти.

5.5. [www.un.org](http://www.un.org). БМТ расмий сайти

5.6. <https://www.childrensdefense.org/policy/policy-priorities/youth-justice>  
(мурожаат вақти: 14.03.2022).

5.8. <https://de.statista.com/themen/8074/jugendkriminalitaet-in-deutschland>  
(мурожаат вақти: 14.03.2022).

5.9. <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody&nd=102041891>

5.10. [https://www.senat.fr/lc/lc52/lc52\\_mono.html#toc16](https://www.senat.fr/lc/lc52/lc52_mono.html#toc16)

5.11. <https://www.gesetze-im-internet.de/stgb/BJNR001270871.html>

5.12. <https://www.gesetze-im-internet.de/jgg/BJNR007510953.html>

5.13. <https://www.gesetze-im-internet.de/jgg/BJNR007510953.html>

5.14. [https://www.senat.fr/lc/lc52/lc52\\_mono.html#toc19](https://www.senat.fr/lc/lc52/lc52_mono.html#toc19)

5.15. <https://www.legifrance.gouv.fr/loda/id/JORFTEXT000000517521/>

5.16. [https://www.senat.fr/lc/lc52/lc52\\_mono.html#toc8](https://www.senat.fr/lc/lc52/lc52_mono.html#toc8)

5.17. <https://www.brocardi.it/codice-penale/libro-primotitolo-iv/capoi/art97.html>

5.18. <https://www.altalex.com/documents/news/2014/06/18/codice-processo-penale-minorile-d-p-r-448-1988>

5.19. [https://www.senat.fr/lc/lc52/lc52\\_mono.html#toc8](https://www.senat.fr/lc/lc52/lc52_mono.html#toc8)

5.20. <https://dre.pt/dre/legislacao-consolidada/decreto-lei/1995-34437675>

5.21. <https://dre.pt/dre/detalhe/decreto-lei/401-1982-319742>

5.22. <https://www.childrensdefense.org/policy/policy-priorities/youth-justice>  
(мурожаат вақти: 14.03.2022).

5.23. <https://de.statista.com/themen/8074/jugendkriminalitaet-in-deutschland>  
(мурожаат вақти: 14.03.2022).